

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕК ТИЛИ

Олий ўқув юртларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳлари учун ўқув-
услубий қўлланма

Тузувчилар: катта ўқитувчи
М.Муталипова
катта ўқитувчи
М.Сиддикова

ТОШКЕНТ-2003

СЎЗ БОШИ

Мазкур ўқув-услубий қўлланма олий ўқув юртларида таълим рус тилида олиб бориладиган бакалавр ўйналишидаги талабалар учун мўлжалланган.

Қўлланма 16 тематик мавзудан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим тегишли матнлардан ташкил топган.

Унда «Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари», «Низомий номидаги ТДПУ тарихи», «Мен танлаган касб», «Ўзбек халқининг урф-одатлари», «Миллий спорт турлари», «Ўзбекистон байрамлари», «Ўзбек миллий санъати» каби нутқий мавзулар ёритилган. Ҳар бир мавзу бўйича бир нечта матнлар, саволлар, топшириқлар ва луғат иши берилган. Шунингдек, нутқий мавзулар юзасидан суҳбатлар ҳам ўрин олган.

Ушбу қўлланма талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш, ўрта мактабда, лицей ва коллежларда ўзбек тилидан олган билимларини янада такомиллаштиришга мўлжалланган.

I-мавзу: "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ "

Мустақиллик-буюк неъмат.

1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб эълон қилинди. Халқимиз ҳар йили бу кунни байрам сифатида кенг нишонлайди. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлди.

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди. Ундаги мовий ранг мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзи, оқ ранг тинчлик рамзи, яшил ранг табиатнинг янгиланиши, 12 та юлдуз қуёш йилномамизга алоқадор, навқирон ярим ой эса мустақиллигимиз рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби 1992 йил 2 июлда тасдиқланган. Гербимиз халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди.

Шунингдек, биз ўз миллий валютамыз, ўз мадҳиямызга ҳам эга бўлдик. Ўзбек тилига эса Давлат тили мақоми берилди. Бахтимиз қомуси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди.

Мустақиллик даврида "Ўзбекистон қаҳрамони", "Соғлом авлод учун", "Мустақиллик", "Дўстлик", "Амир Темур" ордени каби қатор унвонлар жорий қилинди.

Ҳозирги кунда юртимизда Ўзбекистон ҳаво йўллари Миллий авиакомпанияси, кўплаб хорижий давлатларнинг элчихоналари, 59 дан зиёд Олий ўқув юртлари мавжуд. Ватанимиз ривожланиш ва тараққиёт йўлидан шахдам одимлаб бормоқда.

Луғат.

иқтисодий-экономический
ижтимоий-социальнўй
ўзгаришлар-изменения
рамз-символ
фаровонлик-благосостояние
мақом-статус
комус-полнўй, исчерпўваюҳий словарь
унвон-звание
элчихона-посольство
тараққиёт-прогресс
йилнома-гороскоп

1-топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Мустақиллик байрами қачон нишонланади?
2. Мустақиллик йилларида юртимизда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларига нималар киради?
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қачон тасдиқланган?
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидаги Хумо қуши ҳақида нималарни биласиз?
6. Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясининг муаллифлари ким?
7. Мустақиллик йилларида жорий қилинган қандай унвонларни биласиз?
8. Ўзбекистонда қандай миллат вакиллари яшайди?

2-топшириқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини рус тилига таржима қилинг.

Кенг нишонлайди, чуқур ўзгаришлар, табиатнинг янгиланиши, навқирон ярим ой, мустақиллик рамзи, ҳаво йўллари, ривожланиш ва тараққиёт йўли.

3-топшириқ. Қуйидаги шеърларни ифодали ўқинг, ёққанини ёд олинг.

М у с т а қ и л л и к .

Мустақиллик, қуйлайман сени,
Бор овозим йўллари билан
Мустақиллик, асрайман сени,
Керак бўлса, қўлларим билан.
Халқим, юртим! Бошингда Хумо
Уни асра, учиб кетмасин!

Қора кучлар бордир доимо,
Толеингни забт этмасин!
Мустақиллик, қуйлайман сени
Бор санъатим, баётим билан
Мустақиллик, асрайман сени
Керак бўлса ҳаётим билан.

Луғат.

қора кучлар-чернўе силў
толе-судьба
забт этмасин-пусть не завоюет

Ўзбекистон байроғи

Байроғингдир мовий ранг
Самодан берар дарак
Оқ рангида доимо
Яхшиликдир муштарак.

Осмон тўла юлдузлар
Байроғимизда белги
Ой истиқлол нишони
Мустақиликка белги.

Бахшида бўлсин

Қуёшистон юртимда янгра, мағрур овозим,
Юксалавер истиқлол бошлаб берган парвозим.
Қадримиз дoston этди бахтномамиз китоби,
Мустақил азиз ўлкам, сенга фидо ихлосим.
Истиқболнинг тонглари нурафшондир йўлимда,
Ўз байроғим қўлимда, адлу иймон устозим.
Она юрт, фарзандингман, буюр, фармонингдаман,
Зоҳиджон дер, ўлкамга бахшида эҳтиросим.

З.Обидов.

Луғат.

истиқлол нишони-знак (эмблема) независимости.
қуёшистон юрт-солнечная страна
мағрур овоз- гордўй голос
нурафшон- лучезарнўй, сияющўй
бахшида- посвящение

Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру-осмонни
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор,
 Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
 Ёки қуёшими севгимга сабаб
 Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
 Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
 Боғларим жаннат деб кўз-кўз этаман
 Нечун ардоқларкан тупроғини мен
 Ўпаман: "Тупроғин бебаҳо, Ватан"...
 Аслида тупроқни одил табиат
 Таксим айлаганку ер юзига тенг.
 Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,
 О, қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!
 Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
 Сабабини айтгин десалар менга,
 Шоирона гўзал сўзлардан олдин
 Мен таъзим қиламан она халқимга
 Халқим, тарих ҳукми сени агарда
 Мангу музликларга кетган бўлсайди,
 Қорликларни макон этган бўлсайдинг.
 Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
 Ватанлар,
 Ватанлар,
 Майли гулласин,
 Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
 Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
 Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

А.Орипов.

Луғат.

нечун (нега)-почему
 тўтиё(кўзга)-1 меднўй купорос, цинковая мазь (для глаз), очем-л. очень
 дорогом, ценном, священном, оберегаемом.
 муқаддас-священная
 танҳо-единственная
 жаннат-рай
 таъзим қилмоқ-преклоняться, поклониться
 мангу музлик-вечнўе ледники

4-топширик. Шеърдан парча ёд олинг.

5-топширик. Қуйидаги сўз бирикмалари билан гап тузинг.

Муқаддас Ватан, ўзга эл, жаннат боғлар, тупроғи бебаҳо, таъзим қиламан, тарих ҳукми, мангу музликлар.

(Юқорида берилган матн ва шеърлардан фойдаланишингиз мумкин).

6-топширик. Ватан мустақиллиги ҳақидаги қуйидаги мақол ва ҳикматли сўзларни ўқинг ва ёд олинг.

1. Булбул чаманни севар, одам Ватанни.
2. Ватан гадоси- кафан гадоси.

3. Ватанинг тинч- сен тинч.
4. Эли бақувватнинг- бели бақувват.
5. Ватан тақдири ҳар бир кишининг тақдиридир.
6. Ватанпарварлик- боболардан қолган мерос.
7. Она юртим-олтин бешигим.
8. Ўз диёрини гуллатганнинг бахти гуллайди.
9. Ватан учун қурбон бўлганларнинг ҳоки-муқаддасдир.
10. Ўз уйим- ўлан тўшагим.

7-топширик. Юқоридаги мақолларнинг рус тилидаги муқобилини топинг. Ватан ҳақида яна қандай мақолларни биласиз, давом эттиринг.

II-Мавзу: “ЎЗБЕК ТИЛИ-ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ.”

1-топширик. Тил ҳақидаги фикрларни ўқинг ва мазмунини айтинг.

1. "Сўз-гул, иш-мева" (Ал-Хоразмий).
2. "Кўнгил дуржи ичра гуҳар сўз дурур
Башар гулшанида самар сўз дурур".
Алишер Навоий.
3. "Ҳар бир миллатнинг борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти-бу тил ва адабиётдир".
Абдулла Авлоний.
4. “Тил мустақиллиги-эл мустақиллиги.”
(Мақол)
5. "Оғизга келганни демак нодоннинг иши, олдига келганни емак ҳайвоннинг иши".
Алишер Навоий.
6. "Тил-ақл тарозиси". (Мақол)
7. "Тил борки, бол келтиради, тил борки, бало келтиради".
(Мақол)
8. “Тил-миллатнинг руҳи.”
(Мақол)

2-топширик. Матнни ўқинг, янги сўзларни ёдланг. Матнга сарлавҳа қўйинг.

Маълумки, ҳар бир миллат ўз тилини эъзозласа, буюклигига шак келтирмаса, у тил гўзал, бой ва буюк бўлиб қолаверади. Дунё халқлари 76 хил тилда гаплашадилар. Ўзбек тили олтой тиллари оиласининг туркий тиллар гуруҳига киради.

Қадимги туркий тил V асрдан то XI асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу тилда ёзилган ёдгорликларга Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк", Аҳмад

Югнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асарлари мисол бўла олади. XIV асрга келиб, ўзбек тили таркиб топган.

А.Навоий ўзбек адабий тилининг равнақи учун беқиёс ҳиссасини қўшган. Ўзбек тили ҳақидаги "Муҳокаматул-луғатайн" асарида туркий тилнинг чексиз имкониятлари, унинг форсий тилдан ҳеч жиҳатдан қолишмаслиги ҳақида гапирган. А.Навоий шарқ адабиётининг йигирма жанрида ижодкор сифатида ўзбек тилини бойитди.

Ўзбек ёзуви тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1929 йилгача араб ёзуви, 1929-1940 йилда лотин ёзуви, 1940 йилдан рус алифбоси негизидаги ўзбек ёзуви ишлатилган.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тили тарихида янги босқич бошланди, яъни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди.

1993 йил 2 сентябр қарори билан лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси тасдиқланди.

Ўзбек тили жуда ҳам жозибадор, бетакрор, гўзал тилдир. Биз ўз она тилимизга эътибор, эҳтиром билан қарамоғимиз, унинг мазмун теранликларини идрок этмоғимиз, софлиги учун курашмоғимиз даркор.

Луғат

эъозламоқ- ценить, почитать, уважать
шак келтирмаслик-не усомниться
равнақ-расцвет, процветание
имкониятлар-возможности
жозибадор-притягивающий
эътибор-внимание
эҳтиром-почтение, уважение
мазмун теранлиги- глубина содержания
идрок этмоқ-понимать, соображать

3-топшириқ. Матнни абзацларга ажратинг. Матнга савол тузинг.

4-топшириқ. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларига қуйидаги берилган сўзлардан мос синонимини топиб ёзинг.

Эъозламоқ, эҳтиром, равнақ, шак келтирмоқ, гаплашмоқ,
хурмат, тараққиёт, ривожланиш, тил тегизмоқ, сўзлашмоқ

5-топшириқ. Қуйидаги шеърларни ўқинг. "Дунёдаги тиллар йўқолиб бир тил қолиши мумкинми?" деган саволга жавоб беринг.

Она тилим ўлмайди

Нотиқ деди: "Тақдир шул
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул
Бир тил қолур дунёда
Эй, воиз, пастга туш
Бу гап чикди қаердан?"
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабридан.
Ким дарғазаб, ким ҳайрон
Чиқиб келдилар қатор

Данте, Шиллер ва Байрон
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.

Ваъзингни кўй биродар
Сен айтганинг бўлмайди.
Барча деди баробар:
"Она тилим ўлмайди".

Луғат.

нотик-оратор
жаҳоний ирода-воля всего мира
воиз-проповедник, оратор
ваъз-проповедь, наставление.

Она тилимга

Минг йилларким булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша

Она тилим сен борсан шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Луғат.

булбул каломин-соловьиное пение
яхлит- целўй
ўзгаларга тақлид-подражание чужим
шаксиз-несомненно.

6-топширик. Қуйидаги саволларга жавоб беринг

1. Жаҳон тилларига қандай тиллар киради?
2. Жаҳон тилларига тушунарли бўлган, ўзбек тилида ҳам ишлатиладиган сўзларни давом эттиринг. Глобал, спорт, фото, фокус, компьютер, офис, факс, коллеж, интернет, телефон.

Тил

Ширин тил-жон озиғи деб бежиз айтишмайди. Маданиятли инсон муомалада ширинсухан бўлади, асло қўполлик ва дилозорлик қилмайди. Милтиқ ўқи инсоннинг турли жойига тегиши мумкин, лекин тилдан отилган ўқнинг нишони битта, у фақат инсон қалбига тегади. Ширин ва оқил сўз умр озиғи ва дўстликнинг мустаҳкам калитидир. Қўпол ва ёмон сўз қаҳратон қишдаги ёқимсиз изғиринга ёки музхонага ўхшайди, ҳеч ким унинг ёнига бориб "музлашни" истамайди. Заҳар тил одамларнинг асабларини бузади. Заҳарли илоннинг заҳарли тишини олиб ташлай оладиган жарроҳ топилади, лекин ёшлигидан заҳар сўзлашга ўрганиб қолган одамнинг тилини ширин қилиш оғир ва мушкул иш.

Ҳар жиҳатдан баркамол инсон қайси сўзни, қаерда ва қай хилда гапиришни яхши билади. Зеро, халқимиз "Тил-ақл тарозиси" деб бежиз айтишмаган, чунки ҳар бир айтилган сўз ақлу заковатдан дарак беради.

Луғат.

ширинсухан-сладкоречивўй, приятнўй в разговоре.
кўполлик-грубость
дилозорлик-качества присухие человеку, которўй всех обижаёт
нишон-цель
музхона-морозильник
жарроҳ-хирург
баркамол инсон-совершеннўй, безукоризненнўй человек.
заковат-интеллект.

Тилга эътибор-элга эътибор.

Доно халқ сўзлаш қоидаси, тилга эҳтиёт бўлиш, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, қисқаси-сўзлаш одоби ва маданияти ҳақида ҳам жуда кўп ибратли ҳикматларни айтган.

Оқил бобо айтади:

- Эй, фарзандларим, тилга эҳтиёт бўлинглар: Киши дилини оғритадиган, кўнглини қолдирадиган сўзни ҳеч сўзламанглар. Ҳамма вақт ширинсўз бўлинглар.

Халқ айтади:

Одамни бор қиладиган ҳам тил,
Йўқ қиладиган ҳам тил.

Тил борки, бол келтирар,
Тил борки-бало.

Булбул гулзорни безайди,
Тил инсонни.

Сел қирғоқни бузади,
Тил инсонни.

Тилни билиш-дилни билиш.
Тилни тийган бой бўлур.

Тилингни ботир қилма,
Ўзингни ботир қил.

Яхши сўзласа, асал томади,
Ёмон сўзласа, заҳар томади.

Аччиқ савол бериб,
Ширин жавоб кутма.

Луғат

доно халқ-мудрўй народ
эҳтиёт бўлиш-бўть осторожнўм
асал,бол-мёд
гулзор-цветник
безайди-украшает

7-топширик. Мақолларни ўқинг ва мазмунини изоҳлаб беринг.

СУҲБАТ

- Сиз ўзбек тилини биласизми ёки энди ўрганиясизми?
- Мен ўзбек тилини энди ўрганияман.
- Сиз дарсдан ташқари қандай ишлар билан шуғулланасиз?
- Матнда учраган янги сўзлар иштирокида гаплар тузаман ва ёзаман. Қондани такрорлайман, берилган машқларни бажараман.
- Сиз матнни қандай ўзлаштирасиз?
- Мен аввал нотаниш сўзларни ёзиб оламан, уларни рус тилига луғат ёрдамида таржима қиламан, сўнгра матнни тушуниб ўқишга ҳаракат қиламан. Матнга саволлар тузаман ва китоб ёрдамида сўзлаб қўраман.

СУҲБАТ

- Сиз дарсликдаги матнларни луғатсиз ўқий оласизми?
- Ҳа, луғатсиз ўқий оламан.
- Ўқиган матнларингизнинг мазмунини тўла тушунасизми?
- Ҳа, тўла тушунаман.
- Ўзбекча рўзномаларни-чи?
- Уларни ҳам луғатсиз ўқиб мазмунини тушунишга ҳаракат қиламан.
- Сиз ўзбек ёзувчиларининг ўзбек тилида ёзилган асарларини ҳам ўқиб турсангиз керак?
- Ҳа, мен ўзбек тилида ёзилган китобларни ўқиб тураман, аммо луғат ёрдамида.
- Мен ҳам ўзбек ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилида ўқишга жуда қизиқаман. Аммо мазмунини тўла тушунмайман.
- Сиз ўзбек тилини қаерда ўргандингиз?
- Мен ўзбек тилини ўрта мактабда ўрганганман.
- Биз Тошкентга яқинда қўчиб келганмиз, бу ерда ўзбек тилини саккизинчи синфдан бошлаб ўргандим.
- Яхши, мен сизга ўзбек тилини ўрганишга ёрдам бераман.
- Раҳмат, мен ҳам ўзбек тилини сизга ўхшаб билиб олишга ҳаракат қиламан.

СУҲБАТ

Китоб дўконида

- Биз ўзбек тили дарслигини сотиб олмоқчи эдик.
- Марҳамат. Сизга қандай дарслик керак, Олий ўқув юртлари учунми ёки мактаблар учунми?
- Йўқ, биз "Ўзбек тилини мустақил ўрганувчи" қўлланмасини сотиб олмоқчи эдик.
- Омадингиз бор экан. Ҳозир ана шу қўлланма бор. Марҳамат!
- Марҳамат қилиб, бизга иккита китоб беринг. Қанча туради?
- Ҳар бир китоб олти юз сўм туради.
- Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар борми?
- Ҳа, мана луғатлар. Яна сўзлашгичлар ҳам бор. Булар жуда фойдали китобчалар. Сотувда кам бўлади.
- Яхши эслатдингиз. Биз уларни албатта оламиз.

- Марҳамат, кассага пул тўланг.
- Ташаккур.

III-МАВЗУ: "БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ - ЎЗБЕКИСТОН"

Она – Ватан

Биз яшаётган гўзал, бепоён мамлакат Ўзбекистон деб аталади. Ватанимиз текис, серунум тупроқли ерлар, ўрмонлар, тоғлар, дарёлар билан қопланган.

Унинг ер ости бойликлари беҳисоб. Мамлакатимизда завод ва фабрикалар, кўркам бинолар, боғлар кўп. Уларнинг ҳаммаси халқ учун хизмат қилади.

Биз ўзимиз яшаб турган мамлакатни она-Ватан деб атаймиз. Бунинг сабаби нимада? Бу ерда қадимдан бизнинг ота-боболаримиз яшаганлар. Биз ҳам шу ерда туғилдик. Шу ерда ўсмоқдамиз.

Ватанимиз бизни онамиз каби ўзининг иссиқ бағрида меҳр билан эркалайди. Севиб, ардоқлайди. Вояга етказди. Камол топтиради. Шу сабабли ҳам биз Ватанимизни онамиз каби севамиз, қадрлаймиз. Унинг номини она-Ватан деб атаймиз.

Дунёда мамлакатлар, шаҳарлар кўп. Лекин инсон учун туғилиб ўсган жойи она-Ватани ҳаммасидан ҳам яхшидир.

Саволлар:

1. Сиз яшаётган мамлакат нима деб номланади?
2. Сиз қаерни она-Ватан деб атайсиз?
3. Нима учун Ватанингизни севасиз, қадрлайсиз?

ЎЗБЕКИСТОН

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда,
Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон,
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол.

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин,
Омон бўлсин оғайнилари,
Омон бўлсин дўстларнинг бари.

Ҳамид Олимжон.

Ватанни суймак.

Абдулла Авлоний

Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати шу кишининг Ватанидир. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ севади. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан-уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас. Ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонликлар, ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ севамир. Биз сингари араблар ҳам Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, совуқ, қор, музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда кўрадилар. Агар севмасалар эди, ўз Ватанларини ташлаб кетар эдилар.

Боболаримиз: "Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл", - дейдилар.

Саволлар

1. Ватан-деганда сиз нимани тушунасиш?
2. Нима учун кишилар ўз Ватанини севадилар?
3. Сизнинг Ватанингиз қаер? У нима деб аталади?
4. Сиз ўз Ватанингизни севасизми? Нима учун?

Сухбат учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг аҳолиси қанча?
2. Ўзбекистоннинг иқлими қандай?
3. Ўзбекистонда қандай дарёлар бор?
4. Ўзбекистонда қайси миллат вакиллари яшайди?:
5. Ўзбекистон Республикасида қандай вилоятлар бор?

Ў з б е к и с т о н

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун-,
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йирок,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ,
Битилмаган дostonдир бори.
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Майли, юртим, кезсанг ҳам дунё,
Фазоларга қўйсанг ҳам қадам.
Ўзлигингни унутма асло,
Унутма ҳеч, онажон ўлкам.
Бир ўғлингдек мен ҳам бу замон,

Кечмишингни қилдим томоша.
Иқболи хур, шўх-шоним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,
Завол бўлмас шу ёшинг билан.
Музаффар бўл, ғолиб бўл, ўктам,
Дўсти ёринг, қардошинг билан.
Асрларнинг силсиласида,
Боқий тургай кошонанг сенинг...
Мангу ёруғ масканим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Луғат

қиёс-сравнение

танҳо-единственная

оғиз-не в силах

кечмиш-прошлое

иқболи хур-прекрасное будухе

1-топширик. Юқорида келтирилган шеърларни ифодали ўқинг, ёққанини ёд олинг.

Донишмандлар ўғитлари

1. Ватан ва ватанпарварлик эгизак бўлиб, улар қалбади барча туйғуларнинг ҳукмрони бўлмоғи лозим. Ана шундай киши эл фарзанди бўла олади.

2. Агар жонингни Ватанга фидо қилолмасанг, ўзингни ватанпарвар ҳисоблама. Чунки Ватан-жондан азиз.

3. Бола меҳрибон онасининг бешикни кучоқлаб айтган алласини, она-Ватан алласини эшитиб камол топади.

4. Киши униб-ўсган юртига, вояга етказган ота-онасига ва таълим берган устозига ҳар қанча таъзим қилса оз.

5. Она-Ватандан ажралган чин ватанпарвар инсон ҳамиша ўз она юртига ташналик билан интилади.

6. Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганларнинг номи эл қалбида абадий сақланади.

7. Бизнинг фарзандларимиз ўз ватанпарварлик бурчини ўтаса, биз чин инсон тарбия қилдик, деб фахрлансак арзийди.

2-топширик. Ўғитларни ўқинг, мағзини чақинг ва рус тилига таржима қилинг.

Ўзбекистон бозорлари

Бозор савдо-сотик қилинадиган муайян жойдир. Дунёда Шарқ бозорларига ҳамманинг ҳаваси келади. Ўзбекистонда ҳам жуда кўп бозорлар мавжуд бўлиб,

ўзининг бетакдорлиги билан ажралиб туради. Йилнинг 4 фаслида бозордаги мевалар, сабзавотларни кўриб кўзингиз қамашади. Тошкент шаҳрининг ўзида Отчопар, Чорсу, Олой бозорлари бор. Шунингдек, ҳар бир туманда ҳам бозорлар бор. Юнусобод, Аҳмад Дониш, Фарҳод, Аския, Миробод, Янгиобод каби бозорлар шулар жумласидандир.

Бозорда нималар сотилишига қараб улар турлича бўлади. Деҳқон бозорида деҳқончилик билан етиштириладиган маҳсулотлар сотилади. Ёйма бозорда эса турли хилдаги маҳсулотлар, кийим-кечаклар, асбоб-ускуналар сотилади. Мол бозори турли хилдаги қорамоллар, уй ҳайвонлари, паррандалар сотиладиган жой. Кўчат бозори мавсумига қараб кўчатлар, уруғлар, сотиладиган жой. Кўчат бозорида очик жойларда иссиқхоналарда етиштириладиган ҳар турли мевали, манзарали бутасимон дарахтлар, буталар, гуллар, сабзавот кўчатлари мавсумга қараб сотилади. Машина бозори турли хилдаги машиналар, уларга керакли эҳтиёт қисмлар сотиладиган жой. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган "Нексия", "Тико", "Дамас", "Матиз" русумли машиналар бозорда савлат тўкиб туради. Бухоро, Самарқанд, Тошкент бозорлари сайёҳларни ҳамيشа ўзига ром этади.

3-топширик. Сиз яшайдиган жой яқинида жойлашган бозор ҳақида гапириб беринг.

4-топширик. "Бозорда" мавзусида сотувчи-харидор суҳбатини ўтказинг.

Луғат

савдо-сотиқ-торговля

бетакдор-несравненнўй

иссиқхона-теплица

манзарали бутасимон дарахтлар-декоративнўе кустарниковўе деревья

Ўзбекистон музейлари

Тошкент шаҳрининг марказида Амир Темур хиёбонида шарқона услубда қурилган гўзал бино қад ростлаб турибди. Бу мухташам бинода Темурийлар тарихи Амир Темур ва темурийлар даври тарихий ҳужжатлари ва ашёвий далиллар асосида ёритилган.

Юртимизга келган меҳмонлар ва сайёҳлар ўзбек халқининг тарихи ва бой ўтмиши, маданияти, маънавияти ҳақида ана шундай музейларда бўлиб, тўлиқ маълумот олиши, бой тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Музей илмий-маърифий муассаса бўлиб, табиий, моддий маънавий маданият ёдгорликларини йиғиш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш билан шуғулланади. "Музей" юнонча сўз бўлиб, музаларга (муза-санъат, адабиёт, фан маъбудаси) бағишланган жой маъносини билдиради.

Ўзбекистонда музейлар ташкил этиш 19-асрнинг 70-йилларидан бошланди. Ўрта Осиёда биринчи музейлардан ҳисобланган Ўзбекистон халқлари тарихи музейи 1876 йилда ташкил топган.

Шунингдек, республикада Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, Ўзбекистон Давлат Санъати музейи, Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати музейи, Ўзбекистон Табиат музейи. "Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари" тарихи музейи ва бошқа музейлар бор.

Кўпгина шаҳарларда бир ўлка, вилоят, шаҳар тарихига бағишланган ўлкашунослик музейлари, музей-қўриқхоналар бор. Жумладан, Бухоро Давлат меъморий бадиий музей-қўриқхонаси, Андижон вилоят ўлкашунослик музейи кабилар.

Атоқли Давлат арбоблари, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, артистларга бағишланган музейлар ҳам оз эмас. Тошкентда Мухтор Ашрафий, Ойбек, Урал

Тансиқбоев, /афур /улом, Юнус Ражабий, Мукаррама Турғунбоева ва бошқаларнинг уй-музейлари мавжуд.

Ҳозирги кунда яратилаётган санъат асарлари, ҳалқимиз тарихи, бугуни ва эртаси билан боғлиқ ҳужжатлар эртага нодир ашёларга айланади. Шунинг учун уларни авайлаб сақлаш лозим.

Сухбат учун саволлар.

1. Тошкентда қандай музейлар бор?
2. Қайси музейда бўлгансиз?
3. Амир Темур музейи қаерда жойлашган?
4. Ўзбекистонда биринчи бўлиб қайси музей ташкил топган?
5. Музей ҳақида ўз таасуротингизни сўзлаб беринг.

5-топширик: Матнни ўқинг. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

IV-Мавзу: "ТОШКЕНТ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ".

1-топширик: Шеърни ўқинг, мазмунини тушунтириб беринг ва ёд олинг.

Тароватли Тошкентим

Бу курраи заминда азалийсан, Тошкентим,
Шаҳарларим сардори, гўзалисан Тошкентим.
Тобора файзинг ортар, нашъалисан Тошкентим,
Қадимдан тинч, тотувлик машъалисан, Тошкентим
Тароватли Тошкентим,
Саҳоватли Тошкентим.

.....

Истиқлол олган юртнинг пойтахтисан, бахтлисан,
Ишчи аҳли ҳимматда, бунёдкорлар шаҳрисан
Анжуманларга маъно, ижод, илҳом наҳрисан,
Сен илму фан пешвоси, ўзбек юртим фаҳрисан,
Хосиятли Тошкентим,
Хуш ниятли Тошкентим.

.....

Хиёбонларинг гулшан, фавворалар дур сочар,
Минг кўзли тик бинолар шуъласидан тун қочар.
Ер остида қасрлар навбат билан кўрк очар,
Бағринг эртаққа монанд, хуш ёқиб, ҳайрат ошар,
Малоҳатли Тошкентим,
Маҳобатли Тошкентим.

Минг шукр, байроғингдан кетди энди қонли ранг,
Жаҳонга доврўқ солди эркинг, авжинг, овозинг,
Лол этди кенг оламни замин тўла заҳиранг
Мағрур пойтахтлар аро хушдир азиз жозибанг,
Шарофатли Тошкентим,
Шафоатли Тошкентим.

З.Обидов.

Лугат.

курраи замин-земной шар
азалий-вечнўй
сардор-староста, предводитель
нашъали-(город) наслаждения
машъали-маяк, светоч.
тароватли-прелестнўй, очаровательнўй
бунёдкор-созидатель, творец
анжуман-конференция
илҳом наҳри- источник вдохновения
пешво-предводитель, руководитель
хосиятли-добрўй, приносящий счастье
фаввора-фонтан
ижод наҳри-источник творчества
малоҳатли-прелестнўй, красивўй
маҳобатли-величественнўй, солиднўй
шарофатли-благороднўй, славнўй
шафоатли-покровительствующий

2-топширик. Матни ўқинг, рус тилига таржима қилинг, матнга саволлар тузинг.

Т О Ш К Е Н Т

Тошкент дунёдаги қадимий шаҳарлардан бири. У 1988 йил ўзининг 2000 йиллигини нишонлади. Тошкент катта саноат марказидир. Шаҳарда жуда кўп завод ва фабрикалар, турли фирма ва қўшма корхоналар мавжуд.

Тошкент республиканинг илм, фан ва маданият марказидир. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар Академияси, Илмий тадқиқот институтлари, жуда кўп Олий ўқув юртлари, Алишер Навоий номли кутубхона, театр, филармония, цирк, кинотеатрлар, маданият саройлари бор.

1970 йилдан бошлаб шаҳарда метрополитен ишга тушди. Тошкент шаҳрини "нон шаҳри", "боғ шаҳри", "меҳмондўст шаҳар" ва "дўстлик шаҳри" деб аташади.

3-топширик. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида матн тузинг.

4-топширик. Шеърни ёд олинг.

Тошкент шаънига.

Гоҳо оддий маскандай туюлади, очик гап,
Ҳар куни яшайвериб кўникиб қолган уйинг.
Тошкентим, ажиб кентсан, муҳташам қўрғонсан заб,
Минг-минглаб чақиримдан кўриниб турар бўйинг.
Неча-неча элларда дуч келдим турфа зотга,
"Тошкент" деса югурар юзларига табассум.
Тошкент сўзи уйқашдир тинчлик билан ҳаётга,
Тошкент деса анланур меҳр билан тараҳхум.
Ҳамиша устувор бўл, барқарор бўл ҳамиша,
Эй, кўҳна Шарқимизнинг ҳеч сўнмас машъаласи.
Номинг каби мустаҳкам, пойдор бўл ҳамиша,

Тошкент метрополитени

Тошкент метрополитени Ўрта Осиёдаги биринчи метрополитен бўлиб, 1972 йилда курила бошлаган. Белгиланган бош режа бўйича Тошкент метрополитени уч йўналишдан иборат: Чилонзор йўли, Ўзбекистон йўли ва Юнусобод йўли, умумий узунлиги 60 кмдан ортиқроқ. Бу уч йўл шаҳарнинг марказий қисмида кесилиб, йўловчиларнинг йўлдан йўлга ўтишини таъминловчи учта бекат ҳосил қилади. Тошкент метрополитенининг 1-йўналиши 1977 йил 6 ноябрда ишга туширилган. Унда 9 та бекат бўлиб, бекатлар орасидаги масофа ўртача 1,4 км ни ташкил қилади.

Бекатлар архитектураси ва бадиий безалиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Уларда декоратив ва амалий санъатнинг миллий анъаналари ўз аксини топган. Бекатларга безак беришда асосан республикада чикадиган қора, қизил, кул ранг гранитлар, турли хил мрамор, керамика, стомалит, ёғоч, ойна ва бошқалардан фойдаланилган. Метрополитен 9 балл зилзилага мўлжалланган.

Луғат

бош режа-генеральнўй план
йўналиш-линия
ортиқроқ-свўше
таъминловчи-обеспечивающий
масофа-расстояние
зилзила-землетрясение

5-топширик. Тошкент метросининг ҳар учала йўл бекатларининг номини айтинг.

6-топширик. Бирорта метро бекатини тасвирлаб беринг.

7-топширик. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Шаҳар транспортларидан қандай турларини биласиз?
2. Ўқишга қандай етиб келасиз?
3. Одатда ишга ёки ўқишга кетаётганигизда шаҳар транспортида қандай воқеаларнинг гувоҳи бўласиз?
4. "Транспортда" мавзусида суҳбат ўтказинг.
5. Қуйидаги сўз бирикмалари билан гап тузинг.

Автобус бекати, автобус (трамвай, троллейбус) кутиш, автобусга чиқиш, автобусдан тушиш, жойни бўшатиш, кейинги бекатда.

Тошкент шаҳридаги музейлар.

Маълумки, жаҳондаги йирик музей асосан XIX-асрда пайдо бўлган. Булар Мадриддаги Прадо музейи (1819), Москвадаги тарих музейи (1873), Ленинграддаги Эрмитаж (1852), Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи (1870) ва Тошкентдаги Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейларидир (1876).

Ҳозирги кунда эса Тошкентда жуда кўп музейлар мавжуд бўлиб, шуларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Амалий санъат музейи.

Амалий санъат музейи биноси халқ меъморчилиги ва буюк санъатининг нодир намунасидир. Бино XIX аср охирида қурилган, ганч ва ёғоч ўймакорлиги усулида безатилган. Меъморий безаклар, ўйма ва бўяма нақшлар ўзбек халқ усталари Уста Тошпўлат Арслонқулов, Олимжон Қосимжонов, Уста Ширин Муродов, Уста ота Полвонов томонидан ишланган.

1970 йилга келиб, қайта таъмирланди. Кўргазма фондида 18 мингдан ортиқ экспонат бўлиб, Ўзбекистоннинг амалий ва безак санъати: (ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик ва бошқалар) тарихини очиб беради.

Луғат

амалий санъат музейи-музей прикладного искусства
меъморий безаклар-архитектурнўе украшения
кўргазма фонди-фонд вўставка

Табиат музейи.

1876 йил Тошкент музейи сифатида ташкил қилинган. Ўрта Осиёдаги ҳашаротларнинг энг бой тўплами (330 минг), 10 мингдан ортиқ гербарий барглари, 5 мингдан ортиқ зоологик коллекциядан иборат экспонатлар бор.

Экспозиция ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, умумий биология, Ўзбекистоннинг табиий-географик тавсифи, геология-минерология, табиат ландшафтлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни сақлаш бўлимларидан иборат. Музейда табиатнинг ўзига хослигини кўрсатишга муҳим ўрин ажратилган. Қорақум чўли, Нурота тоғлари, /арбий Тяньшань тоғлари дашти, тоғ-ўрмонлари каби диаграммалар намойиш этилади. 1991 йил музей фондида 500 мингдан ортиқ экспонат бор эди.

Луғат

табиий географик тавсиф - естественно-географическая классификация
ҳашаротлар-насекомўе
чўл-степь

Ўзбекистон Давлат санъат музейи

Бу музей Ўрта Осиёдаги йирик музейлардан бири. Унда /арбий Европа, Ўзбекистон тасвирий ва халқ декоратив санъати, ажнабий Шарқ мамлакатлари санъатининг бой коллекциялари тўпланган бўлиб, 1981 йилда ташкил топган. Музей дастлабки пайтларда /арбий Европа ва рус рассомлик санъати, ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари ва Хитой санъатининг айрим намуналаридангина иборат эди. Кейинчалик музейга Ўзбекистонлик рассомларнинг дастлабки асарлари келтирила бошланди, Ўзбекистон халқ санъатининг барча томонларини кўрсатувчи ғоят нодир ва хилма-хил коллекция тўпланди, жуда бой илмий материал йиғилди. Музейда /арбий Европа мамлакатларининг рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат намуналари бор.

Ўзбекистон тасвирий санъати экспозициясида ҳар хил мавзуларда ва жанрларда яратилган асарлар кенг ўрин олган. Бу асарларда замондошларимиз, уларнинг меҳнати, турмуши, интилишлари тараннум этилади. Шунингдек, ўзбек кулолчилик буюмлари, гиламдўзлик, газламалар, ёғочга нақш солиш каби ажойиб санъатимиз намуналари жой

олган.

Музейда тўпланган нодир асарларнинг моҳияти ғоят катта. Бу намуналар турли мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

дастлабки асарлари келтирила бошланди, Ўзбекистон халқ санъатининг барча томонларини кўрсатувчи ғоят нодир ва хилма-хил коллекция тўпланди, жуда бой илмий материал йиғилди. Музейда /арбий Европа мамлакатларининг рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат намуналари бор.

Ўзбекистон тасвирий санъати экспозициясида ҳар хил мавзуларда ва жанрларда яратилган асарлар кенг ўрин олган. Бу асарларда замондошларимиз, уларнинг меҳнати, турмуши, интилишлари тараннум этилади. Шунингдек, ўзбек кулолчилик буюмлари, гиламдўзлик, газламалар, ёғочга нақш солиш каби ажойиб санъатимиз намуналари жой олган.

Музейда тўпланган нодир асарларнинг моҳияти ғоят катта. Бу намуналар турли мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

нъати, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат намуналари бор.

Ўзбекистон тасвирий санъати экспозициясида ҳар хил мавзуларда ва жанрларда яратилган асарлар кенг ўрин олган. Бу асарларда замондошларимиз, уларнинг меҳнати, турмуши, интилишлари тараннум этилади. Шунингдек, ўзбек кулолчилик буюмлари, гиламдўзлик, газламалар, ёғочга нақш солиш каби ажойиб санъатимиз намуналари жой олган.

Музейда тўпланган нодир асарларнинг моҳияти ғоят катта. Бу намуналар турли мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

олиш каби ажойиб санъатимиз намуналари жой олган.

Музейда тўпланган нодир асарларнинг моҳияти ғоят катта. Бу намуналар турли мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

он, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

н, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

, санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

санъат усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

усталари асарларининг асл нусхалари орқали ўтмишдаги бадий маданият билан таништиради.

Луғат

йирик-крупнўй

тасвирий санъат-изобразительное искусство

халқ декоратив санъати-народное декоративное искусство

рассомлик санъати-художественное искусство

хайкалтарошлик санъати-искусство скульптора

замондош-современник

тараннум этилади-воспеается

кулолчилик-гончарное ремесло

гиламдўзлик-ковроделе

ёғочга нақш солиш-резьба по дереву
нодир-уникальнўй
санъат усталари-мастера искусств
асл нусха-оригинал
бадий маданият-художественная культура

Сухбат учун саволлар.

1. Сизга Тошкентнинг қайси жойлари ёқади?
2. Тошкентдаги қайси Олий ўқув юртларини биласиз?
3. Тошкентдаги қайси музейларда бўлгансиз?
4. Тошкентда кейинги йилларда қурилган биноларнинг номларини айтиб бера оласизми?
5. Ҳозир Тошкентда иккита темир йўл вокзали бор? Улар қандай номланади?

V-Мавзу: “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ.”

асизми?

5. Ҳозир Тошкентда иккита темир йўл вокзали бор? Улар қандай номланади?

V-Мавзу: “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ.”

САМАРҚАНД.

Самарқанд Ўзбекистондаги энг кўҳна шаҳарлардан биридир. У 1925-30 йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган.

Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган. Майдони 16,4 минг кв.км. Аҳолиси 2450 минг киши. Самарқанд вилоятида 16 та туман, 11 та шаҳар, 12 та шаҳарча, 125 та кишлоқ бор.

Самарқанд 2500 йилдан зиёд тарихга эга. Самарқанд Ҳиндистон, Эрон, Миср ва Византия давлатлари билан савдо-сотиқ қилган. XIV асргача Самарқанд турли мамлакат босқинчиларининг ҳужумига дуч келди ва қўлдан-қўлга ўтиб турди.

амарқанд вилоятида 16 та туман, 11 та шаҳар, 12 та шаҳарча, 125 та кишлоқ бор.

Самарқанд 2500 йилдан зиёд тарихга эга. Самарқанд Ҳиндистон, Эрон, Миср ва Византия давлатлари билан савдо-сотиқ қилган. XIV асргача Самарқанд турли мамлакат босқинчиларининг ҳужумига дуч келди ва қўлдан-қўлга ўтиб турди.

Самарқанд XIV асрнинг охири ва XV асрда темурийлар давлатининг пойтахти сифатида жаҳонга машҳур бўлган. Амир Темур вафотидан сўнг 1409 йилдан Самарқанд шаҳри Улуғбекка мулк қилиб берилган. Улуғбек ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданият тараққий этди. XV асрнинг охирида Самарқандни Захириддин Муҳаммад Бобур эгаллади(1497йил).

Самарқанд Шарқдаги саноати ривожланган, илмий ва маданий марказлардан бирига айланган.

1970 йили Самарқанднинг 2500 йиллиги тантанали нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 28 августдаги фармонида кўра Самарқанд шаҳри Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан “Амир Темур” ордени билан мукофотланди.

1-топширик. Матнни ўқинг ва Самарқанд тўғрисида билганларингизни сўзлаб беринг.

Луғат

кўҳна-древний
ҳавза-бассейн
босқинчилар ҳужуми-нападение
саноат-промышленность
мулк-наследие

БУХОРО

Бухоро Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлардан бири. Самарқанд сингари бу шаҳар ҳам гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун этувчи кўҳна меъморий ёдгорликларга бой. Бу тарихий обидалар жуда машҳур бўлиб, кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Бухорода 140 га яқин меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Бухорода жаҳонга машҳур Абу Али ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбанд, шоир Рудакий, тарихчилардан Дақикий, Балъамий ва бошқа юзлаб улуғ алломалар яшаганлар. Бир неча асрлар давомида Бухоро бутун Ўрта Осиё шаҳарлари орасида етакчи мавқега эга бўлиб келган. Бу даврда шаҳарда ҳунармандчилик, савдо-сотик, қурилиш, фан, адабиёт, санъат анча ривож топган. Бухоро қиёфасини улуғвор “Минораи Калон” иншоотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан 200 йилдан кўпроқ вақт муқаддам қурилган бу бино Ўрта Осиёдаги машҳур меъморчилик ёдгорликлари орасида энг баланд иншоот ҳисобланади ва Бухоронинг ташқи кўринишида алоҳида ўрин тутади. Шаҳардаги бошқа кўҳна ёдгорликлар ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Сўнгги йилларда Бухоронинг қиёфаси тубдан ўзгарди. У Ўзбекистоннинг маданият марказларидан бирига айланди. Ўзбекистонда ягона қорақўл заводи ғоят қимматбаҳо маҳсулот ишлаб чиқаради. Ўрта Осиёда йирик газлама комбинати Бухорода фаолият кўрсатмоқда.

Зардўзлик ва шойи тўқиш Бухорода азалдан анъанага айланган. Жаҳондаги кўп мамлакатлар ана шу маҳсулотларнинг харидорлари ҳисобланадилар.

Бухорода бир қанча ўрта ва олий ўқув юртлари, лицей, коллежлар ишлаб турибди. Бухорода замонавий бинолар қад кўтармоқда. Бу ерда йилига ўн минглаб сайёҳлар бўлади.

2-топширик. Матн мазмуни асосида саволлар тузинг ва жавоб қайтаринг.

Луғат

мафтун этувчи-очаруюхий
кўҳна меъморий ёдгорликлар-древние архитектурнўе памятники
алломалар-ученўе
ҳунармандчилик-кустарнўй промўсел
қурилиш-строительство
улуғвор-величественнўй
қиёфа-облик
зардўзлик-златошвейнўй
шойи тўқиш-шёлкоткачество

ХИВА

Ўзбекистондаги кўҳна шаҳарлардан Хива Ўрта Осиёда Хоразм орқали Кичик Осиёда ўтган қадимий қарвон йўли устида қад кўтарган.

Хива шаҳрида, хусусан Ичанқалъада олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида у 2500 йиллик тарихга эга эканлиги аниқланди. Юнесконинг қарорига асосан 1997-йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи нишонланди. Ёзма манбаларда келтирилишича, Хива ўрта асрларда Хоразм воҳасидаги йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган.

Хива қадимдан уч қисм: Арк (Давлат маъмурияти), Ичанқалъа (ички шаҳар), Дишанқалъа (ташки шаҳар)дан иборат бўлган. Шаҳарнинг ҳар уч қисми ҳам алоҳида деворлар билан ўраб олинган бўлиб, 4 тадан дарвозаси бўлган.

Хива шаҳри XVII аср бошларидан 1920 йилгача Хива хонлигининг, сўнгра 1920-1924 йилларда Хоразм халқ республикасининг пойтахти бўлган. Хива шаҳри, айниқса, Хива хонлигининг пойтахтига айлангач, кенгайди ва ўрта аср қиёфасини олди. Бу даврда Ичанқалъада подшо саройи, қатор масжид, мадраса ва мақбаралар бино қилинди. Бу даврда Хивада 94 масжид ва 64 мадраса бўлган. Ўзининг меъморий мажмуасининг яхлитлиги жиҳатидан Хива Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади.

Бу даврда Хива савдо-сотиқ марказига айланди. Шаҳарда мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, тўқимачилик ва гилам тўқиш каби касб-ҳунарлар ривож топди.

3-топширик. Матнни ўқинг, нотаниш сўзларни ёд олинг ва матн мазмуни асосида саволлар тузинг.

Луғат

археологик тадқиқотлар-археологические исследования
воҳа-оазис
меъморий мажмуанинг яхлитлиги-единство архитектурного комплекса
мисгарлик-ремесло медника
касб-ҳунар-профессия

Кўҳна Урганчнинг тикланиши.

Хоразмнинг қадимий пойтахти Кўҳна Урганчни кўриқхона сифатида сақлаб қолишнинг ўзи кифоя қилмайди. Энди бу шаҳарнинг ўша қадимий қиёфасини тиклаш вақти келди. Шу боисдан кўриқхона ҳудудида 2,5 минг аҳоли яшаши учун бир-икки қаватли уйлар қуриш, устахоналари, расталари, меҳмонхоналари бўлган марказ барпо этиш мўлжалланмоқда. Кўҳна Урганчда ҳозирда унутилиб бораётган ганчкорлик, наққошлик, мисгарлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлигининг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилган. Ҳатто Шарқ қандолатчилиги, Хоразм пазандачилиги яна ўз ўрнини топади. Чеварлик, каштачилик, гиламдўзлик санъатлари ҳам бу шаҳар кўркига кўрк қўшади. Шаҳарда халқ сайиллари, байрамлари, миллий спорт мусобақалари бўлиб туради. Бу тадбирларнинг барчаси ўлкада Халқаро саёҳатчиликнинг ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Луғат.

кўриқхона-заповедник
қиёфа-облик
устахона-мастерская
расталар-торговёе рядў
ганчкорлик-резьба по ганчу
наққошлик-занятие живописца
заргарлик-профессия ювелира
қандолатчилик-кондитерство
пазандачилик-кулинария
каштачилик-вўшивание

VI–Мавзу: “НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИ.”

Тошкент Давлат Педагогика Институти 1935 йил ташкил этилди. 1947 йил улуг озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий номи билан аталди.

40–йилларнинг бошларида 9 та кафедра ва 6 та факультет бор эди, дастлабки 5 йилликда 2000 га яқин ўқитувчилар етиштириб чиқарди. Институт учун оғир йиллар уруш йиллари эди. Сабаби ўқитувчилар ва талабаларнинг кўпчилиги урушга кетган эди.

Юзлаб собиқ талабалар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Е.Стемпковская, З.Хусанов, А.Қурбонов ва В.Рибалколар эса собиқ Давлат қаҳрамонлари бўлди.

Урушдан кейинги йилларда институт тез ривожланди. 1948 йил чет тиллар факультети базасида Тошкент чет тиллар педагогика институти, 1955 йил жисмоний тарбия факультети базасида Ўзбекистон Давлат физкультура институти ва 1963 йилда рус тили ва адабиёти факультети базасида рус тили ва адабиёти педагогика институти ташкил қилинди. Институт ўзининг 30 йиллик иш фаолиятида 28.000 ўқитувчи етиштириб берди. Унинг битирувчилари орасида олимлар, ёзувчилар ва Давлат арбоблари бор эди. Ҳ.Т.Турсунов, А.М.Қўчқоров, Зулфия, Ҳ./улом, Р.Бобожон, Шўҳрат, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, М.Бобоев, Шукрулло, Ш.Шоабдурахмонов, З.Мирзаев, С.Отамуродов ва бошқалар.

1974 йилда кутубхоначилик фаолияти факультети базасида Тошкент Давлат Маданият институти очилди.

Институтнинг 40 йиллик фаолиятида 50 та кафедрада 669 та ўқитувчилар ишлади, 50 йиллик фаолиятида 12 та факультет бор эди. Институтнинг кундузги, кечки, сиртки бўлимларида 30 хил миллатга мансуб 13920 талаба билим олдилар.

Низомий номли ТДПУга 1998 йил февраль ойида президент И.А.Каримов буйруғи билан университет даражаси берилди. Ҳозирги вақтда университетимизда: ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти бўлими билан; тарих ва ҳуқуқ, мусиқа педагогика, дефектология, бошланғич таълим услубияти, психология, мактабгача тарбия, физика-астрономия, математика информатика, рус ва корейс филологияси, чет тиллар, касб таълими, БҲТ ва жисмоний тарбия, бадий графика, табиий фанлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, амалий психологларни тайёрлаш факультетлари, шунингдек, университет қошида педагогик лицей ҳам мавжуд.

Университетимизда талабаларнинг билим олиши, етук мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароитлар мавжуд.

Луғат

кутубхоначилик фаолияти-библиотечная деятельность
табиий фанлар-естественные знания
малака ошириш-повышение квалификации
етук мутахассис-зрелый специалист

1-топширик. "Низомий номли ТДПУ тарихи" музейига боринг ва университет, факультетлар ҳақида тўлиқ маълумот олинг.

Ўзбек тили ва адабиёти факультети.

Факультет 1935 йилда ташкил топган. 1950 йилгача тил ва адабиёт факультети, кейин тарих-филология, 1968 йилда филология деб аталди. 1976 йилда факультет базасида икки мустақил факультет очилди. Ўзбек ва қozoқ филологияси ҳамда рус ва татар филологияси. 1980 йилдан ўзбек тили ва адабиёти, қozoқ тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлай бошлади.

Факультетнинг биринчи декани олим ва педагог Николай Трофимович Венедиктов бўлган. Ундан кейин турли вақтларда К.Д.Грамотович, Т.Х.Салимов, Ш.М.Абдуллаева, М.У.Умаров, А.К.Қаюмов, А.Ш.Шерматов, М.Аҳмадбоева, Н.М.Ҳамидов, С.Ўтанов Т.Бобоев, Н.Маҳмудов, Б.Тўхлиевлар факультетни бошқарганлар.

1935 йилда факультетда иккита кафедра бўлган: ўзбек тилшунослиги ва ўзбек адабиёти. Ҳозирда эса 7 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Улар: Ўзбек тилшунослиги, умумий тилшунослик, классик адабиёт, ҳозирги замон адабиёти, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, шарқ тиллари ва адабиёти, қozoқ тили ва адабиёти кафедраларидир. Факультетда М.Асқарова, С.Аширбоев, Ҳ.Ҳомидов, Ҳ.Жамолхонов, Б.Тўхлиев, Р.Абдулаҳатова, Р.Расулов, Ў.Шарипова, Р.Юнусов, Қ.Сапаев, И.Йўлдошев, И.Азимов, М.Йўлдошев, Р.Ниёзметова, М.Сапарниёзова каби профессор олимлар, фан номзодлари ва катта ўқитувчилар талабаларга ҳормай толмай сабоқ бериб келмоқдалар.

2-топшириқ. Матнни ўқинг. Матнга саволлар тузинг.

3-топшириқ. Ўз факультетингиз ҳақида шунга ўхшаш матн тузинг.

СУХБАТ

Ётоқхонада

- Сизнинг ётоқхонангиз қаерда?
- Менинг ётоқхонам Чилонзорда.
- У ерда университетнинг нечанчи ётоқхонаси жойлашган?
- Чилонзорда университетимизнинг ўнинчи ётоқхонаси жойлашган.
- Сиз нечанчи қаватда турасиз?
- Мен икинчи қаватда, йигирманчи хонада тураман.
- Сизнинг хонангиз каттами?
- Йўқ, бизнинг хонамиз катта эмас. Биз икки киши яшаймиз.
- Хонангиз яшаш учун қулайми?
- Ҳа, бизнинг хонамиз жуда яхши. Ёруғ, қишда иссиқ, ёзда эса салқин.
- Хонангизда нималар бор?
- Хонамизда стол, иккита стул, иккита кароват, битта кийим шкафи бор.
- Хонангизда яна нималар бор?
- Кароват ёнида биттадан тумбочка, тумбочка устида ойна, магнитофон бор.
- Китобларингиз қаерда туради?
- Китобларимиз тумбочка ичида ва стол устида туради.
- Сиз кечқурунлари нима қиласиз?
- Кечқурунлари мен китоб ўқийман, топшириқларни бажараман, телевизор кўраман.

СУХБАТ

- Илтимос, Азизахон, айтиб беролмайсизми, ҳозир соат неча?
- Марҳамат, ҳозир соат саккиздан йигирма минут ўтди.
- Биринчи сменадаги машғулотлар соат нечада бошланади?
- Бизда машғулот соат саккиз яримда бошланади. Сизда-чи?

- Биз иккинчи сменада ўқиймиз, шунинг учун машғулотларимиз соат бирдан йигирма минут ўтганда бошланади.
- Бугун неча соат ўқийсиз?
- Биз ҳар куни уч-тўрт пара ўқиймиз. Сиз-чи?
- Бизда ҳам уч, баъзан тўрт пара дарс бўлади.
- Уч пара дарс соат нечада тугайди.
- Уч пара дарс соат бирдан ўн минут ўтганда тугайди.
- Сизда танаффуслар қандай тартиб билан бўлади?
- Бизда ҳар бир парадан кейин танаффус қилинади. Танаффусимиз ўн минутдан. Катта танаффус эса йигирма минут. Сизларда-чи?
- Бизда ҳам шундай.

Талабалар ошхонасида

- Тезроқ юр, сенга тушлик оламан. Сизга нима олай?
- Палов ол.
- Балки лағмон яхшироқдир? Ундай бўлса, иккита жой олиб тур.
- Марҳамат, менга битта палов ва битта лағмон беринг.
- Мана, олинг. Яна нима ейсизлар?
- Аччиқ-чучук борми?
- Ҳа мана аччиқ-чучук, редискали салат, қаймоқ қўшилган тўғралган сабзи. Танланг!
- -Менга иккита аччиқ-чучук беринг.
- -Яна нима хохлайсизлар? Қаҳва, чой, шарбат ёки мева ичимлигимиз?
- Бир чойнак кўк чой беринг.
- Яна иссиқ оби нон олинг.
- Албатта.

Талабаларга ўғитлар.

Ҳақиқий талаба ўзи ўқиб таълим олаётган ўқув даргоҳи билан ифтихор қилади, унинг иқбол-истикболи учун сидқидиллик билан курашади.

Азиз талаба! Гўзал хулқинг, кишиларга маданий муносабатинг билан ҳар ерда ўрнатилган бўл. Ўқув юртингнинг шаънига доғ туширма, аксинча унинг обрўи учун кураш. Ҳар бир талаба ўз ўқув юртига қўлидан келганича яхшилик олиб кирса, жамоанинг иқболи баланд кўтарилади.

Сенга таълим олаётган ўқув даргоҳидаги барча меҳри дарё устоз тарбиячилар, ректорат, умуман барча жамоатчилик сенинг иқболинг, истикболинг ҳақида ғамхўрлик қилади. Улар қаерда бўлмасинлар, умид билан сенга кўз тикиб турибдилар, уларнинг ишончини оқла, сен билан мудом ҳамдард, ҳамнафасликларини унутма. Уларнинг ишончларига муносиб чин инсон бўл. Энг муҳими, ҳар кунги ҳатти-ҳаракатинг устида ўзингга ҳисоб беришни ва тегишли хулоса чиқаришни унутма.

Номинг барҳаёт бўлишни истасанг, яхши ишлар билан шуғуллан.

Р.Усмонов "Саодатнома".

Луғат.

ҳақиқий-настоящий
ўқув даргоҳи-учебное заведение
ифтихор-гордость
иқбол-истикбол-перспектива, будухе
ўрнатилган бўл-будь примером
жамоатчилик-общественность
ишонч-доверие

4-топшириқ. Матнни ўқинг, рус тилига таржима қилинг, мазмунини гапириб беринг.

Сухбат

- Сизнинг университетингизда кутубхона борми?
- Ҳа, университетимизда кутубхона бор.
- Кутубхонангиз нечанчи қаватда?
- Кутубхонамиз биринчи қаватда. У ерда ўқитувчилар ва талабалар учун алоҳида-алоҳида ўқув хоналари бор.
- Сиз кутубхонага қачон борасиз?
- Мен кутубхонага дарсдан кейин бораман. Китоб олгач, кутубхонанинг ўқув хонасига кириб дарс тайёрлайман.

Сухбат

- Сиз қаерда ўқийсиз?
- Мен Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқийман.
- У қаерда жойлашган?
- Университет "Бобур" хиёбони ёнида жойлашган.
- Сиз қайси факультетда ўқийсиз?
- Мен бошланғич таълим факультетида ўқийман.
- Сиз нечанчи курсда ўқийсиз?
- Мен биринчи курсда ўқийман.
- Сиз қайси ўрта мактабни ёки лицейни битиргансиз?
- Мен Тошкент шаҳридаги 135-мактабни битирганман.
- Сиз ўрта мактабни қачон битиргансиз?
- Мен ўрта мактабни ўтган йили битирдим.
- Сиз ўрта мактабда ўзбек тилини ўргандингизми?
- Ҳа, мен мактабда ўзбек тилини қизиқиб ўргандим, шунинг учун ҳам ўзбек тилида бир оз гаплашаман. Университетда ўзбек тилини яна ҳам яхшироқ ўрганиб олмоқчиман.

VII-Мавзу: "МЕН ТАНЛАГАН КАСБ".

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

Абдурахмон Жомий.

Ўқитувчи шарафли касб.

Ўқитувчи-олижаноб ва шарафли касбдир. Мактаб, ўқув даргоҳларини ёшлик гулшани десак, ёш авлод унинг бебаҳо ниҳолларидир. Устоз ўқитувчилар эса бу боғнинг оқил, миришкор, меҳрибон боғбонларидир. У ўз боғидаги меваларнинг ранго-ранг, соғлом бўлишини, яъни ҳар бир шогирдини бахтиёр кўришни орзу қилади.

Замонамизнинг забардаст олим ва шогирдлари, шоир ва санъаткорлари, фазогирлари, ишчиси, ўрмончиси, шифокори, қурувчи-муҳандиси - ҳаммаси ўқитувчидан таълим олган. Шунинг учун ҳам халқимиз юксак меҳр-муҳаббатини, жўшқин қалб ҳароратини "ўқитувчи" деган сўзга сингдирган.

Ўқитувчи қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак: инсоний ғоявийлик, инсоний эътиқодлилик, ватанга содиқлик, янгиликларни сезиш ва уларни ҳаётга жорий этишда

ташаббускорлик кўрсатиш, ахлоқий поклик ва ёш авлодга меҳрибонлик, оқилона талабчанлик, юксак маданий хулқ, нафосат, тил ва дил бирлиги, ижтимоий бурчни чуқур англаш, ҳар соҳада ёш авлодга ўрнатилган кўрсаткич билиш.

Ўқитувчининг жамиятдаги муаллимлик вазифаси ана шу фазилатларни ўзида тўла мужассам бўлишини тақозо этади.

Луғат.

олижаноб-благородная
гулшан-цветник
фазогир-космонавт
ўрмончи-лесник
қалб ҳарорати-душевная теплота
ғоявийлик-идейность
содиқлик-верность
ҳаққонийлик-правдивость, честность
ташаббускорлик-инициативность
ахлоқий поклик-моральная чистота
фазилат-качества

Ўқитувчи ҳикматлари

1. Беҳис маъруза ўқиган муаллим шогирдларини ҳам завқлантира олмайди.
2. Моҳир ўқитувчи ёш авлоднинг қалбида ўз касбига қизғин ҳавас уйғотади.
3. Киши олий ёки ўрта ўқув юртини тугаллаши мумкин, лекин ҳаёт дорилфунини асло тугатиб бўлмайди. Унинг сабоқлари туганмас.
4. Ўз устида ишлашдан тўхтаган ўқитувчи ўқитишдан ҳам тўхтагани маъқул.
5. Яхши ўқитувчи бўлмоқ учун боланинг тилини ва дилини билмоқ керак.
6. Ўқитувчининг маҳорати у тарбиялаган шогирдларининг ахлоқ-одоби ва билимдонлиги билан ўлчанади.
7. Ўқитувчи боланинг тилидан кўра кўзидан, қилиқларидан кўпроқ маъни ўқийди.
8. Дунё халқларининг илғор тарбия тажрибаларини кузатмай ва ўрганмай, ўзининг билим доираси билан чегараланиб қолган ўқитувчи фан техника ютуқларидан бебаҳра қолган қосибни эслатади.
9. Ўқитувчининг фикри ва зехни нечоғлик теран бўлса, унинг нутқи шунчалик ихчам ва мазмунли бўлади.
10. Ўқитувчи учун энг катта бахт шогирдларининг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва унинг номини фахр билан тилга олишидир.
11. Касбни севиш, унинг фахри билан ишлаш бахт калитидир.
12. Ўқитувчи қисқа ифодада кўп фикр айта олиш маҳоратига эса бўлмоғи лозим.

Луғат

беҳис-бесчувственно
завқлантира олмайди-не вдохновляет
моҳир-искуснўй
қизғин ҳавас-горячее желание
ҳаёт дорилфунуни-университет жизни
сабоқ-урок

1-топшириқ. Ўқитувчи ҳикматларини ўқинг, мазмунини тушунтиринг, 6 тасини ёд олинг.

2-топшириқ. "Менинг севимли ўқитувчим " мавзусида иншо ёзинг.

Билим бахт келтирар.

Б.Тўхлиев.

Юсуф Хос Хожибнинг машҳур "Қутадғу билиг" асари маданият меваларидан бири. Асар 1069-1070 йилда ёзилган. "Қутадғу билиг" даги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир.

"Қутадғу билиг"да билим ва билимдонлик ҳам жуда улуғланади.

Кишининг билимдонлигига унинг тили орқали намоён бўлади.

Билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Унинг қўлидан етаклаб йўл кўрсатиш, яъни билимга чорлаш шарт.

Билим-бойлик. Аммо унинг бошқа бойликлардан фарқи бор. Билимни ҳеч бир ўғри ўғирлай олмайди. Аксинча, у қанча кўп ишлатилса, шунча кўпайиб бораверадиган бойликдир.

Билим ўрганиш киши тунларини нурафшон қилади, билимдон қанчалик кичик бўлмасин, у эл назарида улғайиб бораверади. Аслида инсонни ҳайвондан ажратган нарса ҳам билимдир.

Юсуф Хос Хожиб билимнинг қудратини ана шундай ифтихор, кўтаринки руҳ билан тасвирлайди.

Луғат

комил инсон-совершеннўй человек
билимдонлик-образованность
бойлик-богатство
нурафшон-лучезарнўй
қудрат-моҳъ

3-топшириқ. Матнни мустақил ўқиб ўрганинг.

4-топшириқ. Дефектолог касбига оид матнни ўқинг ва таржима қилинг.

Болалар нутқини текшириш.

Тўғри товуш талаффузини текширишдан аввал тарбиячи ўз гуруҳидаги ҳар бир боланинг нутқи билан танишиб чиқиши керак. Нутқ текшириш йилда 2 марта кузда, баҳорда ўтказилади. Ҳамма гуруҳларда болалар нутқини бир хил усулда текширилади. Тарбиячи бола нутқини текшириш пайтида ўз диққатини унинг товуш талаффузи ҳолатига, маъноли нутқига ва луғатига йўналтирилади. Агарда луғатида, маъноли нутқида, товуш талаффузида бузилишлар бўлса бола организмнинг психофизик ҳолати билан танишиб чиқиш керак.

Боланинг уч ёшлик даврида турли юкумли касалликлар билан оғриши унинг ўсишини тўхтатади, бола нутқи ҳам ривожланишдан ортда қолади. Бола нутқини алоҳида текшириш гуруҳда болалар кам бўлган вақтда (эрталабки қабул вақтида ва кечкурунги уйга кузатиш вақтида) ўтказилса, яхши натижа беради. Бола нутқини текшириш махсус танланган кўргазмали қурол асосида ўтказилиши ва у ҳар бир гуруҳда бўлиши шарт.

5-топшириқ. Матнни ўқинг, "Нима етишмайди?" ўйини.

Тарбиячи "Ф" товуши бор бўлган расмларни териб қўяди. Болалар бу расмлардаги нарсаларнинг номларини айтадилар. Номларини айтиш вақтида ф товушини бошқа товушларга нисбатан чўзиброк ва ажратиб айтадилар.

Шундан кейин тарбиячи бир болани чақиради, бу бола яна бир марта стол устида турган нарсаларни яхшилаб кўриб олади, сўнгра орқасини ўгириб туради. Тарбиячи эса стол устидаги нарсалардан биттасини олиб қўяди, бола ўгирилиб, қайси нарса йўғлигини айтади. Бола стол устида қайси нарса қолганини айтиши ҳам мумкин.

6-топшириқ. Товушларнинг тўғри талаффузи бўйича яна қандай ўйинли технологияларни биласиз.

7-топшириқ. Матнни ўқинг, мустақил таржима қилинг.

"Ширин мураббо" машқи

Машқнинг мақсади тилнинг кенг қисмини юқорига ҳаракат қилдиришга ўргатишдир.

Бу машқда оғизни бир оз енгил очиб, тилнинг олдинги кенг қирраси билан юқориги лабни ялаш керак. Тил билан ялаш ҳаракати бир томондан иккинчи томонга қараб эмас, балки юқоридан пастга қараб бажарилиши керак.

Методик кўрсатма. 1.Тилнинг ишлашинини кузатиш керак, пастки жағ ҳаракатсиз бўлиб, ҳаракатни бажаришга ёрдам бермасин. 2.Тил кенг бўлиб, ён қирралари билан оғиз бурчакларига тегиб турсин.

8-топшириқ. Ўз касбингизни қизиқарли жиҳатлари ва қийин томонлари ҳақида дўстингиз билан суҳбатлашинг.

9-топшириқ. Мусиқа оламига оид матнни ўқинг, саволларга жавоб беринг.

ЮНУС РАЖАБИЙ

Ўзбек халқи дунёга фан ва маданиятнинг бой ёдгорликларини берди. Шарқ олимлари қолдирган асарлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Булар фан ва маданиятнинг ривожланишига катта таъсир этмоқда. Бошқа илмлар қаторида мусиқа ҳам фаннинг йирик тармоғи халқ меросидир.

Халқ яратган куй ва қўшиқлар авлоддан авлодга ўтиб, ҳозирги кунгача етиб келди.

Ўзбек мусиқасининг билимдонларидан бири бастакор ва олим Юнус Ражабий бу соҳада фаол иш олиб борди. У ўзбек мусиқасини ўрганди, тўплади. 1960 йилда Ю.Ражабийнинг "Ўзбек халқ мусиқаси" номли беш томлик китоби нашр этилди. Бу китоб ўзбек мусиқа маданиятида катта воқеа бўлди.

Халқ маданият меросини ҳурмат билан сақлаб келган, ўзбек мусиқасини янада ривожлантирган академик Юнус Ражабий ҳақиқий олим эди.

Луғат

бой ёдгорлилар-богатўе памятники
бастакор-композитор
йирик тармоқ-крупная отрасль
халқ мероси- народное наследие

Саволлар.

1. Ўзбек халқи дунёга нималар берди?
2. Нималар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ?
3. Фаннинг йирик тармоғи нима?
4. Юнус Ражабий ким эди?
5. Ю.Ражабийнинг қандай китоби нашр этилди?
6. Нима учун Ю.Ражабийни ҳақиқий олим деймиз?

10-топшириқ. Улуғ рус филологи ҳақидаги матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

Академик В.В.Решетов

Виктор Васильевич Решетов Тошкентда туғилган. У филология фанлари доктори (1952), профессор (1953). Педагогика Фанлари Академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964) эди. Ўрта Осиё Давлат дорилфунунида рус ва ўзбек тилларидан дарс берди, кейин шу факультетда ўқув ишларига мудирлик ҳам қилди.

1963 йилдан то умрининг охиригача Республика рус тили ва адабиёти педагогика олийгоҳи ректори бўлган. Виктор Васильевич ўзбек тили бўйича ёзилган жуда кўп дарсликлар ва қўлланмаларнинг муаллифидир, бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган.

Луғат

хизмат кўрсатган фан арбоби-заслуженный деятель науки
куллийёт-факультет
дарслик-учебник
қўлланма-пособие
муаллиф-автор

VIII-Мавзу: "ЙИЛ ФАСЛЛАРИ".

1-топшириқ. Қуйидаги мақолларнинг мазмунини тушунтиринг ва рус тилидаги муқобилини топинг.

1. Бир дарахт кессанг, ўн дарахт эк.
2. Дарахт бир ерда кўкаради.
3. Ҳар ким экканини ўради.
4. Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.
5. Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

2-топшириқ. Матнни ўқинг.

ЙИЛ ФАСЛЛАРИ

БАҲОР

Она табиат! Нақадар гўзал ва фусункорсан! Сендаги ҳар бир дарахтдан тортиб майсагача, жониворлару кушлар, ҳашоратлардан тортиб ҳар бир зарра тупроғинг биз учун азиз ва қадрлидир. Фасллар гўзал табиатнинг гул варақлари ҳисобланади.

Ҳар фаслнинг ўз фазили ва ўз ҳислати бор...

Юртга баҳор кириб келди! Баҳорни бежиз "Фасллар келинчаги" деб атамаймиз. Довдарахтларнинг оқ, пушти гулларга бурканиб, анъанавий ҳидлар таратаётганини кўрган киши беихтиёр келинчаки эслайди. Баҳор йилнинг бошланиши, табиатнинг уйғонишидир.

3-топширик. "Баҳорда табиатда яна қандай ўзгаришлар бўлади?"- мустақил жавоб беринг.

Луғат.

фусункор-чаруюхӣй
майса-травка-муравка, первая зелень
фазилат-качество
анвойи ҳид-разнообразный душистый запах

4-топширик. Шеърни ўқинг ва ёд олинг.

БАҲОР

Абдулла Орипов

Баҳор келди гул сепин ёйиб,
Тенгсиз чирой касб этди ўлка.
Гул баҳорнинг нурли жилваси,
Сўнгсиз секинч бахш этди қалбга.

.....

Қир, адирда кўк майса гилам,
Бутоқларда жилмаяр куртак.
Яна келди эркатой кўклам,
Ёшликдай шўх, нурдай югурак,

.....

Гул баҳорнинг мафтуни бўлиб.
Сахий қуёш сочар заррин нур
Баҳор! Дилни ром этди ўзга
Жилвасида ёшлик ҳам ғурур.

.....

Баҳор, баҳор, о гўзал баҳор!
Ёшлик каби дилга яқинсан.
Юрагимга шеър бўлиб кирган-
Шодлик, илҳом, завққа тўқинсан.

.....

Луғат

сеп-приданое
тенгсиз чирой-несравненная красота
сўнгсиз секинч-нескончаемая радость
куртак- почки
югурак-бегухий

Ё з.

Ўлкамизга ёз кириб келди. Атроф жим-жит. Куёш гўё борлиққа олов пуркамоқда. Яқиндагина гулларга бурканган дарахтлар энди мевасининг кўплигидан қадди дол. Ёқутдай гилослар, олтиндек товланган ўриклар, нақш олмалар гўё "мени е!" деяётгандай. Бундай иссиқ кунларда шаҳарликлар дала-ҳовлиларга жўнайдилар. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида соя-салқин боғларда, сой бўйларида дам олиш жуда мароқли. Ёзнинг бошқа фасллар каби ўзига яраша гашти, қувончлари бор.

5-топшириқ. Матнга саволлар тузинг.

- 1) Ёзда оби-ҳаво қандай бўлади?
- 2) Ёзда қандай мевалар, сабзавотлар, полиз экинлари пишади?
- 3) Ёз фаслида табиатда яна қандай ўзгаришлар бўлади?

6-топшириқ. Ёз фасли ҳақида иншо ёзинг.

Луғат.

жим-жит- тишина
қадди дол-сгорбленнўй
дала-ҳовли-дача
таътил-каникулў
оромгоҳ-лагерь

7-топшириқ. Шеърни ўқинг ва ёд олинг.

ЁЗ ЯХШИ

П.Мўмин

Ёз кези яшнаган элимда,
Ёз завқи тилимда, дилимда,
Қушларим сайрашар, қайнашар,
Булоқлар шивирлар, шилдирар,
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Боғларим шифобахш меваси,
Минг турда гулларим жилваси,
Бепоён пахтазор пайкаллар,
Ҳосилдан мавж уриб чайқалар,
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Ёзимнинг иссиғи ва нури,
Жонимнинг ҳаловат, ҳузури,
Айлаймиз сайри боғ, сайри тоғ
Ишладик, дам олдик, кўнгил чоғ,
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши.

8-топшириқ. Матнни ўқинг.

К У З

Сокин ва жозибатор куз келди. Инсон руҳида қандайдир бир маънос туйғу, чор атрофда эса улуғворлик бор. Кўм-кўк осмонда турналар "курей-курей"лашиб учиб кетишяпти. Табиат ўзгача қиёфада, яъни дарахтларнинг барглари сариқ, қизил, тилла рангда. Бу фасл айниқса бободехқонларимиз учун қувонч ва ташвишларга тўла фаслдир. У даладаги мўл ҳосилни кўриб қувонади. Ёгин-сочинга қолдирмай йиғиб олиш ташвишини қилади. Ифтихоримиз бўлган "оқ олтин"ни йиғиб-териб олиш ҳам маъсулиятли ишдир. Шоир таърифлаганидек:

Кумуш қишдан, зумрад баҳордан,
Қолишмайди кузнинг зийнати.

Луғат.

сокин-тихий, безмолвнўй
жозибатор-притягиваюҳий
улуғворлик-величественность
турна-журавль
ёгин-сочин-атмосфернўе осадки, непогода
ифтихор-гордость

9-топшириқ. Куз фасли ҳақида яна нималарни қўшимча қила оласиз?

10-топшириқ. Шеърни ифодали ўқинг, нотаниш сўзларни таржима қилинг.

Ўзбекистонда куз.

Юргил, далаларга кетайлик дўстим,
Диккинафас уйда ётмоқ пайтимас,
Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун,
Бир пари фаслнинг оғушида маст,
Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар.
Куёшнинг эринчоқ ёғдуларида,
Нафис ялтирайди барги хазонлар,
Ҳар ёнда тўкинлик...
Куздан нишона...

А.Орипов.

Луғат.

диккинафас-стесненность
пари фасл-пери время года
тўкинлик-изобилие, обилие
эринчоқ-ленивўй
нишона-примета

11-топшириқ. Матнни ўқинг, бу фасл ҳақида яна қандай қўшимча қила оласиз?

Қ И Ш

Деразадан мўралайди қиш,
Ташқарида ёқар оппоқ қор.

Ўлкамизда қиш. Атроф оппоқ чойшабга бурканиб, ажиб сукунатга чўмган. Табиатдаги жонзотлару ўсимликлар қикни уйқуга кетган. Паға-паға қор ёғмоқда. Булутли куз кунларидан кейин бундай қор инсон қалбига қандайдир илиқлик баҳш этади. Тоза

ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганингда танангдаги бор ғуборлар чиқиб кетгандек бўлади. Болажонлар учун қиш фасли олам-олам қувонч олиб келади. Улар яхмалак учишади, қорбўрон ўйнашади, қорбобо яшади. Қишда ҳаммамиз учун завқли ва қувончли янги йил кириб келади.

12-топшириқ. Талабалар қайси фаслда туғилганлиги аниқланиб, 4 та гуруҳга бўлинади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ўз фаслини мақтайди. Қайси гуруҳ ўз фаслига энг чиройли таъриф берса, шу гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

13-топшириқ. Ўз ижодида табиат, фасллар мавзусини акс эттирувчи қандай рассомларни биласиз?

IX-Мавзу: "ТАБИАТ ҚЎЙНИДА. ЎСИМЛИКЛАР ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА".

1-топшириқ. Қўйидаги саволларга жавоб беринг.

- 1) Табиат тушунчасига нималар киради?
- 2) Нима учун ҳозир табиатни қўриқлаш ҳақида қайғуряпсиз?:

2-топшириқ. Матнни ўқинг, таржима қилинг ва саволлар тузинг.

Инсон ва табиат

Инсон ва табиат... Ҳозир биз аниқ биламизки, табиатсиз яшай олмаймиз. Табиат эса бизсиз ҳам мавжуд бўлаверади ва ҳеч қачон ўз-ўзини нобуд қилмайди. Табиат мувозанатининг бузилишига фақат инсонларгина сабаб бўла олади.

Табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон ташқи муҳит: ер, сув, ҳаво ва атрофида яшовчи барча мавжудотлар билан чамбарчас боғлиқ. Бир вақтлар бўри, тулки каби йиртқич ҳайвон ва қушларни қириб ташлашга киришилган эди. Натижада бўрилар камайиб кетган жойларда буғулар касалликка учраб қолди. Тулки ва йиртқич қушлар бўлмаган жойларда кемирувчилар шу даражада кўпайиб кетдики, улар қанчадан-қанча ғаллани еб қўйди.

Йиртқич ҳайвонлар ва уларнинг ўлжалари мингларча йиллардан бери ёнма-ён яшаб келади. Бунга сабаб табиат мувозанатидир. Инсон табиатдаги ана шу муносабатни эсдан чиқармаслиги керак. Болалик чоғимизданоқ ўз табиатимизни, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини севишимиз ва асрашимиз лозим.

Зеро, ўз ватанини севган инсон унинг табиатини ҳам севади.

3-топшириқ. М.Пришвиннинг "Қушларга осмон, балиқларга сув, ҳайвонларга ўрмон, чўл, тоғлар, инсонга эса Ватан керак. Табиатни асрамоқ-Ватанни асрамоқ демакдир"-деган фикрини тушунтириб беринг.

Луғат.

нобуд қилмайди-не уничиқожаёт
табиат мувозанати-равновесие
природў
чамбарчас боқлиқ-тесно
связан
кемирувчилар-грўзунў

4-топширик. Қуйидаги саволларга жавоб беринг. Ўйинли технология: «Ким кўп мисоллар келтиради?»

- 1) Ўзбекистонда ўсадиган қандай мевали ва мевасиз дарахтларни биласиз?
- 2) Реза меваларга нималар киради?
- 3) Қандай бошоқли ўсимликларни биласиз?
- 4) Қандай сабзавот ва меваларни биласиз?

5-топширик.

Ҳайвонлар ҳақидаги матнларни ўқинг.

КЕНГУРУ

Австралияга биринчи бўлиб борган Европалик сайёҳлар, қорнидаги махсус халтачада боласини олиб юрадиган, сакраб ҳаракат қиладиган ғалати ҳайвонни кўриб ҳайратланишган. Шунда бир сайёҳ маҳаллий аҳолидан: "Бу ҳайвоннинг номи нима?" деб сўрабди. У эса: "Кенгуру" деб жавоб берибди. Аслида у европалик сайёҳга "Гапингга тушунмадим" деган экан. Ўшандан бери бу ҳайвоннинг номи "кенгуру" бўлиб кетди.

Агар кенгуру боласи онасининг ёнида ўтирган пайтида салгина хавф туғилиб қолса, халтача ичига боши билан шўнғийди-у ерда кейин ўгирилиб олса ҳам бўлаверади. Халтача чуқур тери қатламидан иборат бўлиб, кенгурунинг деярли бутун қорнини беркитиб туради.

Луғат

сайёҳ-турист

ғалати-удивительнўй

халтача-мешочек

ҳайратланмоқ-удивляться

хавф-опасность

Таъбга қараб озуқа

Табиат керакли озуқасини топиш учун ҳайвонларга ёрдам берган. Масалан, чумолихўрга ингичка тумшукча ҳамда ёпишқоқ тил берган. У ингичка тумшукчасини хоҳлаган тешикка тикиши мумкин. Жираф бўйни узунлигининг сабаби у бута ва дарахтларнинг юқори қисми билан озиқланади. Митти қушча колибри эса нектар билан озиқланади. Ингичка қарнайча тумшук орқали у гулларнинг шарбатини симиради. Туя саҳронинг қуруқ тиканли янтоғини яхши кўради, юмшоқ ўт ҳамда беда унинг таъбига мос эмас. У ўзининг севимли овқатини ўрқачларига жамлайди, чунки бу унча узоқ йўлга керак бўлади.

Луғат

чумолихўр-муравьед

ингичка тумшук-узкая морда

ёпишқоқ тил-липкий язўк

тешик-ҳель

бута-кустарник

митти-крохотная

қарнай тумшук-трубочка клюв

шарбат-сок

беда-сено
ўркач-горб
тиканли янтоқ-колючая пустўнная трава

ЁРДАМ БЕРИНГ!

Бир куни хиёбонда ўтириб, шундай манзарани кузатдим. Қарғаларнинг бирида тешиккулча бор экан. "Ҳа, қаердандир ўғирлабди-да", -деб ўйладим. Лекин қарға ўзини ғалати тутарди. У тешиккулчани бошқа қарғаларга ейишга таклиф қила бошлади. Лекин қарғаларнинг ҳеч қайсиси бу тешиккулчани олмади. Шу пайтда яхшилаб тикилиб қарасам, тешиккулча қарғанинг тумшугида эмас, бўйнига кириб қолган, шунинг учун бечора қарға қағиллай олмай қолган экан.

У тешиккулчани ёнидаги қарғаларга тавсия этишининг боиси ҳам ёрдам сўраётган экан.

Бир оздан кейин қарғаларнинг барчаси парр-р этиб учиб кетди. Балки улар бечора қарғани тешиккулчадан қандай халос этишни ўйлашга кетишгандир.

Луғат.

хиёбон-сквер
тешиккулча-сушка, баранка
қарға-ворона
қағиллай олмади-каркнуть не могла.

6-топшириқ. Ҳайвонлар номлари иштирок этган ибораларни ўқинг ва рус тилидаги муқобилини топинг.

Чумолига ҳам озор бермайди, қўй оғзидан чўп олмайди, бир кесак билан иккита қуённи урмоқ, ит-мушук бўлиб яшамоқ.

7-топшириқ. Қуйидаги тест-саволларга жавоб беринг.

1.Осмондаги энг катта ёритқичнинг номини айтинг:

а)ўрдак б)қуёш в)лайлак г)ой

2.Қуруқликдаги энг катта ҳайвоннинг номини айтинг.

А)фил б)қуёш в)от г)бегемот

3.Сувда сузадиган энг катта балиқни номини айтинг.

А)кит б)акула в)дельфин г)наҳанг

8-топшириқ. Осмон, ер, қуёш, ой, юлдуз, булут, ёмғир, қор, тоғ, шаршара, камалак, уй ва ёввойи ҳайвонлар номлари иштирокида сифатларни қатнаштириб гап тузинг.

9-топшириқ. Қуйидаги гапларни давом эттиринг.

- а) Айёр, чакқон, малла....
- б) Қуруқ ва хушбўй....
- с) Баҳайбат ва маймоқ...
- д) Серқуёш, баҳорги...
- е) Кулранг, йиртқич, хасис...
- ф) Салқин ва ёмғирли...
- г) Қизил ва нордон...

10-топшириқ. Ҳайвонот боғи ҳақида суҳбат ўтказинг.

11-топшириқ. Ўзингиз ёқтирган ҳайвон ёки қуш ҳақида матн тузинг.

Х-Мавзу: "ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ".

Таваллуд. Бешиқ. Алла.

Таваллуд топган боланинг қулоғига ота-боболаримиз биринчи навбатда азон айттирганлар, яъни илк бор чақалоқнинг исми ўз қулоғига сингдирилган. Сўнгра унинг чилласи-кичик чилла ва катта чилла ўтказилади.

Чилланинг маъноси шуки, белгиланган муайян муддат давомида (кичиги 20 кун, каттаси 40 кун) хонадонга бегона одам киритилмайди.

Таваллуд топган бош фарзанд бўлса, бозордан бориб бешиқ сотиб олинади.

Бешиқ бор жойда бола бўлади. Бола бор жойда алла айтилиши табиий. Оналар қадимдан ўз болалари бешиги тепасида кечаси бўлсин, кундузи бўлсин алла айтиб келишган.

Ўзбек онаси алла айтаркан, бу аллалар бир-бирига сира ўхшамайди. Аллаларда ҳамма она ва болага хос бўлган умумийлик ҳам бор. Бу меҳр, бу-муҳаббат.

Луғат

таваллуд-рождение
азон-азан, призыв на молитву
чақалоқ-новорожденный
қобилият-способность
алла-колѹбельная песня

1-топшириқ. Ўқинг ва мазмунини изоҳлаб беринг.

2-топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ўзбек тилида алла эшитганмисиз?
2. Аллалар одатда нима ҳақида бўлади?
3. Рус халқининг алласи- "колѹбельная песня"ни айта оласизми?

3-топшириқ. Онангиздан "алла-колѹбельная песня"ни ўрганиб олинг.

ҲАЙИТЛАР

Ҳайитлар қадимий диний байрам бўлиб, уларнинг таркибига кирган кўпгина маросимлар исломдан олдин ҳам халқ таомилида бўлган.

Ҳайитларнинг икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси катта ҳайит, яъни Ийд Қурбон ҳайити, иккинчиси кичик ҳайит, яъни Ийд Рамазон деб аталади.

Рўза ҳайити рамазон ойи тугаб, янги шаввол ойининг 1,2,3 чи кунларида байрам қилинади. Ҳайитнинг биринчи куни саҳарда катта-ю кичик жоме масжидларига бориб, бомдод намози ўқийдилар.

Бир ойлик рўзадан кейин қари, мискин кишилар, камбағал, гадоларга фитр рўзалар, яъни рўза ҳадяси берилади.

Ҳайит кунлари "Келин кўрди" маросимлари ўтказилади.

Ҳайит кунлари оилага ширинликлар, янги кийим-бошлар, кийимликлар сотиб олиниб, болаларга, ота-она, бобо-бувиларга ҳадя қилинади.

Ҳайитларнинг ҳар иккаласи ҳам одамлар ўртасидаги меҳр-окибатни мустаҳкамлаган.

Ҳайитлар ҳам Наврўз каби халқнинг қадимий, удумий байрамларидир.

4-топшириқ. Ўқинг, мазмунини изоҳлаб беринг.

5-топшириқ. Ўзингиз яшаётган шаҳарда, маҳаллада ҳайит қандай нишонланади? Шу ҳақида иншо ёзинг.

ХАЛҚНИНГ БА/РИДЕК ИССИҚ

Ўрта Осиё кўп халқларида бўлгани сингари ўзбекларда ҳам ўт-олов билан боғлиқ урф-одат, удум, маиший турмуш анъаналари жуда кўп. Инсоният оловни кашф қилиб, янги тараққиёт поғонасига қадам қўйди.

Ўчоқ, тандир, қора уй, танча, сандал - олов хоналари манбаи бўлган. Одамлар касал бўлишса, ўт ёқиб, танасига кириб олган инс-жинсни кувишган. Бола туғилса, оловдан ўтказиб олинган, уйланса келинни отдан тушириб, куёв кўтариб, олов-гулхан атрофидан уч марта айлантирган.

Ўт-олов билан боғлиқ қадимий одатлардан бири танча-сандак қуриш ва ундан фойдаланиш одатидир.

Сандак уйда одатда кексалар, беморлар, ёш болали оналар ўрин олишган. қора уйда тайёрланган чўғлар хокандозда сандал уйга келтирилиб, танчага солинган. Танча тўрт бурчак шаклда ўйилган ер бўлса, сандал-танча устига қўйилган чорсу, тўрт томони тенг. Сандак усти сандал кўрпа билан ёпилган.

Ҳар ким сандал атрофида ўз ўрнини билиб ўтирган.

Сандак нафақат исиниш, совуқдан сақланиш, балки тарбия ўчоғи ҳам ҳисобланган. Кексалар қадимий ҳикоят ривоятлар айтганлар, яхши инсоний муносабатлар ибрат қилиб кўрсатилган.

Халқимиз юрагининг тафти, бағрининг кенглиги бир томондан саҳий қуёшимиздан бўлса, иккинчи томондан ўз атрофига кўп одамларни жамлай оладиган танчаларимиздан бўлса ажабмас!

6-топшириқ. Ўқинг ва мазмуни изоҳлаб беринг.

Луғат

инсоният-человечество

олов-огонь

тараққиёт поғонаси-ступени прогресса

тафтли юрак-горячее сердце

бағри кенг-широкая душа

ҲАШАР

Ҳашар-Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган удумларимиздан бири бўлиб, қадимдан ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Ҳашар бу кўпчилиكنинг бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсадда биргалашиб ҳаракат қилишидир.

Қадим замонларда ота-боболаримиз қишлоқларда хўжалик ишларини кўп ҳолларда ҳашар йўли билан битириб олишган. Кўмилган тоқларни очиш, кесиш, тараш, ҳашак-сомон тўплаш, боғ ҳосилини йиғиб-териш олиш, катта ариқ, каналларни очиш каби оғир ишларнинг ҳаммаси худди шу ҳашар йўли билан бажарилган.

Ҳашар нафақат кўпчиликнинг бир кишига кўмаги, балки бир кишининг кўпчиликка, жамоага ёрдами тегиши шаклида ҳам қўлланган.

Ҳашарнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у беминнат, бепул, бетаъма бажарилади. Ҳашар иши кўпчилик томонидан текин адо қилинади.

Ҳашар пайтида тезкорлик билан ишлайдиган кишилар ҳамиша олқишга сазовор бўлган. Масалан, иморат қуришда уйнинг бурчак деворини кўтариш энг мураккаб иш ҳисобланади. Тўрт киши тўртта бурчакдан тушиб девор ура бошлайдилар. Кимки биринчи бўлиб деворни битказса, унинг елкасига тўн ёпилади.

Ҳашарчиларнинг аҳли аёли, оналари тушлик пайтида ҳар хил таомлар пишириб, ҳашар бўлаётган ерга олиб боришади.

Кўрдингизми, бир одат туфайли қанчадан-қанча бошқа урф-одатлар ҳам келиб чиқади.

7-топшириқ. Ўқинг ва мазмунини изоҳлаб беринг.

Луғат

ҳашар-хашар, добровольная общественная взаимопомощь при каких-либо работах
беминнат-не требующий благодарности
бепул-бесплатно
олқиш-вўражание благожелания

ДАСТУРХОН. ТАОМ. ФОТИҲА.

Дастурхон азиз, муқаддас, ризқ-рўз манбаи ва рамзидир. Дастурхон одоби, таом емак қонун-қоидалари халқимизда азалдан мавжуд.

Дастурхонга одатда биринчи нон қўйилади. Агар тандир нон бўлса жуфт қўйилади. Бир чойнакда чой дамланади ва қўш пиёла билан берилади. Қуруқ мева, асал, мураббolar дастурхон зийнати.

Дастурхон одоби ҳам қадимий бўлиб, кишидан муайян анъаналарни яхши билишни талаб қилади. Дастурхон ёзилганда барча егуликларни истеъмол қилишни биринчи бўлиб кекса кишилар бошлаб беради. Таомни ейишдан олдин, албатта, "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим" дейилиши шарт. Таом истеъмол қилиб бўлингач, оила бошлиғи албатта фотиҳага қўл очади. Овқатланишнинг якуни бўлган бу одатда ейилган таомни эккан-тиккан, етказган, еган-ичган киши алқанади, Аллоҳга шукрона айтилади.

Дастурхон ҳақида халқимизда мақол, матал, иборалар жуда кўп. Ярамас, яхшиликни унутган кишиларга "тузини еб, тузлигига тупурган" дейишади. Яхши, сахий одамларга "қўли ва дастурхони очиқ" деб таъриф берилади. Дастурхонни улуғлаб "бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер" деган фикр ҳам қадимдан қолган.

Луғат

ризқ-рўз манбаи-источник питания
зийнат-украшение
оила бошлиғи-глава семьи
шукрона-благодарение

8-топшириқ. Матнни ўқинг, матндаги номаълум сўзларни таржима қилинг.

9-топширик. Рус халқида дастурхонга қандай таъриф берилади?

10-топширик. Эртақлардаги "очил дастурхон-скатерть самобранка" нимани англатади?

XI-МАВЗУ: “ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ. МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ.”

1-топширик. Қуйидаги мақолларнинг рус тилидаги муқобилини топинг.

- 1)Тани соғлик-туман бойлик.
- 2)Соғ танда-соғлом ақл.
- 3)Бойликнинг боши-соғлик.
- 4)Эл соғлиги-юрт бойлиги

2-топширик. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

- 1.Ўзбекистонда қайси йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган?
- 2."Соғлом авлод учун" ордени республикамизда қачон таъсис этилган?
- 3.Республикамизда соғликни сақлаш масалаларига қандай эътибор берилган?

3-топширик. Матнни ўқинг, мазмунини гапириб беринг.

ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ТАРИХИДАН

Қадимги Грециянинг жануб томонида табиати гўзал жой бўлган. Бу жой Олимпия деб аталган. Жуда қадим-қадим замонда бу ерда кўплаб қасрлар, стадионлар, спортчилар шуғулланадиган ва яшайдиган бинолар қурилган.

Бу ўлкага кўшни мамлакатлар тез-тез ҳужум қилиб туришган. Урушлардан одамлар жуда чарчашган. Кунларнинг бирида кўшни подшо бу ўлкага юриш бошлайди. Бундан хабар топган Олимпия ўлкаси подшоси урушнинг олдини олиш учун кўп ўйлади. Ўйлаб-ўйлаб бир таклифни ўртага ташлайди. Бу таклиф уруш очган подшони ҳам қизиқтириб қолади.

Биласизми, у қандай таклиф эди? Олимпия ўлкаси подшоси шундай деган эди: "Қон тўкишни тўхтатайлик, аскарларимизнинг кучли ва эпчиллигини урушда эмас, балки мусобақаларда синаб кўрайлик".

Шундай қилиб икки ўртада тинчлик ҳақида сулҳ тузилади. Олимпия деган жой спорт мусобақалари майдонига айланади, бу мусобақалар Олимпия ўйинлари деб аталадиган бўлди. Олимпия ўйинлари пайтида урушлар тўхтатилган. Урушаётган мамлакат спортчиси мусобақаларга қўйилмаган.

Спортчилар мусобақа давомида ҳалол курашишга, ҳакамлар эса ҳалол бўлишга қасамёд қилишган. Бу қоида ҳозиргача ҳам сақланиб келаяпти.

Луғат.

қадимги-древний

қаср-дворец

юриш бошлади-объявил войну, начал войну

эпчил-ловкий

сулҳ-соглашение

ҳалол-честно

ҳакам-судья
қасамёд-клятва

4-топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Олимпия ўлкаси қаерда жойлашган?
2. Бу ўлкага кимлар ҳужум қилиб туришарди?
3. Олимпия подшоси урушни олдини олиш учун қандай таклиф киритди?
4. Қандай спортчи Олимпия мусобақаларига қўйилмаган?
5. Спортчилар қандай қасамёд қилишган?

5-топшириқ. Матнни ўқинг ва рус тиллига таржима қилинг. Матнга сарлавҳа қўйинг.

1991 йилда Ўзбекистонимиз мустақил Давлат деб эълон қилинди. И.Каримов мустақил давлатимизнинг Президенти этиб сайланди. Юртбошимиз энг аввало ёшларни соғлом, кучли, довюрак қилиб тарбиялаш зарурлигини айтдилар. Бунга эришиш учун қўплаб стадион, спорт майдонлари қурилди. Президентимиз таклифлари ва ташаббуслари билан янгидан-янги мусобақалар ташкил этилди.

Натижада спортчиларимиз, чемпионларимиз кўпайди. Ана шу хизматлари учун президентимиз 1996-йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг “Олтин Олимпия” ордени билан мукофотланди.

6-топшириқ. Президентимизнинг спорт ҳақидаги фикрларини ўқинг, таржима қилинг.

1. "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди".
2. "Спорт одамни мард, матонатли ва бардошли қилиб тарбиялайди".
3. "Спортчи майдонга ўз юрти, ўз халқи номидан тушади. Унинг ғалабаси шарафига Давлат мадҳияси янграйди, мамлакат байроғи кўтарилади. Ҳар бир мамлакат, миллат ўз чемпионлари билан фахрланади, ғурурланади. Шунинг учун ҳам улар ватаннинг ифтихорлари ҳисобланади".

7-топшириқ. Спорт турлари ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ўқинг ва эслаб қолинг.

БОКС

Бокс энг қадимги спорт турларидан ҳисобланади. Бокс биринчи бўлиб Англияда пайдо бўлган. Боксчилар илгари қўлқопсиз жанг қилишган. Кейинчалик жароҳатларнинг олдини олиш учун қўлга латта боғлаб куч синашган. Бора-бора қўлқоп ўйлаб топишган.

Ҳаваскор боксчилар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати 1974 йилда Куба пойтахти Гаванада ўтказилган. Бу мусобақаларда ҳамюртимиз Руфат Рискиев жаҳон чемпиони бўлган.

Жаҳон кубоги мусобақалари эса ҳар 2 йилда ўтказилади. Унинг нуфузи жаҳон чемпионатига тенг. Мамлакатимиздан кимлар бу мусобақа ғолиблари бўлганини ёдда тутинг.

1. Владимир Шин. 1979й.
2. Наримон Отаев. 1995й.
3. Муҳаммадқодир Абдуллаев. 1996й.
4. Лазиз Зокиров. 1998й.

Луғат

қўлқопсиз-без перчаток
жароҳат-ранение

ҳаваскор боксчи-любительский бокс
ҳамюрт-земляк

САМБО

Самбо русча сўздан олинган бўлиб, "қуролсиз ўзини ўзи ҳимоя қилиш " деган маънони англатади.

Самбо асримизнинг 30-йилларида Шарқий Европада спорт тури сифатида шаклланган бўлишига қарамай, унда туронзамин халқлари миллий курашининг усуллари ҳам бор. Самбо бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1972 йилда Техронда ўтказилган.

Лугат

қуролсиз ўзини-ўзи ҳимоя қилиш-самозаҳита без оружия
шаклланган-формировался
жаҳон чемпионати-чемпионат мира

ШАХМАТ

"Шахмат" сўзи икки сўздан "шоҳ" ва "мот" сўзларидан ташкил топган бўлиб, шоҳ мот бўлди, иложсиз қолди, енгилди деган маънони билдиради.

Шахмат ўйини жуда қадим замонларда, биринчи бўлиб Шарқ мамлакатларида, жумладан, бизнинг юртимизда пайдо бўлган. Шахмат ота-боболаримизнинг энг сеvimли ўйинларидан ҳисобланади.

ФУТБОЛ

"Футбол" сўзи инглизчадан келиб чиққан. Инглиз тилида "фут" оёқ, "бол" сўзи тўп маъносини англатади. Замонавий футбол қоидалари 1863 йилда Англияда қабул қилинган. Ватанимизда биринчи футбол жамоаси 1912 йилда Қўқонда ташкил этилган.

8-топшириқ. Сиз яна қандай спорт турларини биласиз, номларини дафтарингизга ёзинг, спорт турининг келиб чиқиш тарихи ҳақида баён қилинг.

9-топшириқ. Қишки ва ёзги Олимпияда ўйинлари қачон ва қаерда ўтказилганлиги ҳақида маълумот беринг.

10-топшириқ. Матнни ўқинг, таржима қилинг, мазмунини гапириб беринг.

МИЛЛИЙ КУРАШ

Кураш –спортнинг энг қадимий турларидан ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг ўз миллий кураши бор. Ҳар бир кураш турининг ўз номи, ўз қоидалари бор. Ана шу курашлар орасидан фақат тўрт тури дунёга машҳур. Булар- эркин кураш, юнон кураши, дзюда, самбо. Лекин улар ўртача 70-100 йиллик тарихга эга.

Бизнинг миллий курашимиз эса минг йиллик тарихга эга. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, миллий курашимизга эътибор кучайди. Президентимиз ташаббуси билан Амир Темур ва Ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақалар ташкил этилди. /олибларга Президентимиз совғалари топширилди.

1998 йил 6-сентябрда 28 мамлакат вакиллари ўртасида ўтган йиғилишда Миллий курашимиз мустақил спорт тури сифатида тан олинди. Ўша йили Тошкентдаги "Жар" стадионида биринчи марта йирик халқаро турнир ўтказилди. Унда Америка, Англия, Туркия, Россия, Грузия, Япония, Корея каби мамлакатлар полвонлари қатнашди. Ана

шундан сўнг Халқаро кураш Ассоциацияси тузилди. Унинг фахрий Президенти этиб юртбошимиз Ислоҳ Каримов сайланди.

Халқаро кураш ассоциацияси 1999 йилнинг май ойида Тошкентда биринчи жаҳон чемпионатини ўтказди.

Шундай қилиб, "кураш", "чала", "ёнбош" каби сўзлар бутун дунё халқлари тилида жаранглайдиган бўлди.

Лўғат.

ташаббус-инициатива

юртбоши-глава государства

халқаро мусобақалар-международнўе соревнования

вакиллар-представители

юнон кураши-греческая борьба

эркин кураш-вольная борьба

11-топшириқ. Республикамизнинг таниқли спортчилари билан танишинг.

1. Муҳаммадқодир Абдуллаев-боксчи
2. Артур Григорян-профессионал боксчи
3. Лазизбек Зокиров-боксчи
4. Темур Туляков-боксчи
5. Шухрат Хўжаев-самбочи
6. Руслан Чагаев-боксчи
7. Лина Черязова-чанги акробатикаси
8. Олмос Юсупов-кикбоксингчи
9. Рустам Қосимжонов-шахматчи
10. Ирода Тўлаганова-теннисчи
11. Миржалол Қосимов-футболчи
12. Баҳром Авазов-миллий курашчи
13. Даврон Рўзимуҳамедов-от спортчи
14. Оксана Чусовитина-спорт гимнастикаси
15. Армен Багдасаров-дзюдочи.
16. Сергей Войнов-найза улоқтириш.

12-топшириқ. Яна қандай спортчиларнинг номи билан рўйхатни давом эттириш мумкин.

13-топшириқ. Университетдаги жисмоний маданият дарслари қандай ўтишини гапириб беринг.

14-топшириқ. Ёзги ва қишки олимпиада ўйинлари ўтказилган жой номлари ва санасини эслаб қолинг.

Ёзги олимпияда ўйинлари.

қишки ўйинлари.

- 1.1896-Афинада ўтказилган.
- 2.1900-Париж.
- 3.1904-Сент-Луис.
- 4.1908-Лондон.
- 5.1912-Стокгольм.
- 6.1916-ўтказилмаган
- 7.1920-Антверпен.

8.1924-Париж.
9.1928-Амстердам.
10.1932-Лос-Анжелес.
11.1936-Берлин.
12.1940-ўтказилмаган.
13.1944-ўтказилмаган.
14.1948-Лондон.
15.1952-Хельсинки.
16.1956-Мельбурн.
17.1960-Рим.
18.1964-Токио.
19.1968-Мексика.
20.1972-Мюнхен.
21.1976-Монреаль.
22.1980-Москва
23.1984-Лос-Анжелес
24.1988-Сеул.
25.1992-Барселона
26.1996-Атланта
27.2000-Сидней.

1.1924-Париж.
2.1928-Сент-Морис.
3.1932-Лейк-Плесид.
4.1936-Германия

5.1948-Сент-Морис.
6.1952-Осло.
7.1956-Картина.
8.1960-Скво-Вели.
9.1964-Инсбрук.
10.1968-Гренобль.
11.1972-Саппора.
12.1976-Инсбург.
13.1980-Лейк-Плесид.
14.1984-Сараево.
15.1988-Калгари.
16.1992-Албервиль.
17.1994-Лиллехаммер.
18.1998-Нагано.
19.2002-Солт-Лейк.

СУХБАТ

- Сиз спорт билан шуғулланасизми?
- Ҳа, шуғулланаман.
- Спортнинг қайси турлари билан шуғулланасиз?
- Қишда чанқида, теннис ўйнашни яхши кўраман. Йил давомида эса чўмиламан.
- Буларнинг ҳаммасига вақтингиз етадими?
- Бўш вақтим оз бўлганлиги учун бассейнга ҳафтада икки марта эрта билан, чанқида учишга эса фақат якшанба кунлари бораман.
- Чанқида учиш учун қаерга борасиз?
- Биз оиламиз билан Чимёнга чиқамиз.
- Сиз спорт билан кўпдан бери шуғулланасизми?:
- Ҳа, ёшлигимдан бери шуғулланаман.

СУХБАТ

- Сиз эрталаб соат нечада турасиз?
- Мен соат еттида тураман.
- Сиз бадантарбия билан шуғулланасизми?
- Албатта, хонамни шамоллатиб, сўнгра тоза ҳавода машқ қиламан.
- Эрталаб қай вақт нонушта қиласиз?
- Соат еттидан йигирма дақиқа ўтганда нонушта қиламан.
- Биринчи сменада ўқийман.
- Дарс тайёрлаш учун икки-уч соат кутубхонада бўламан.
- Кечки овқатдан кейин нима қиласиз?
- Дарс тайёрлайман, бадий адабиёт ўқийман, баъзан телевизор кўраман.
- Қайси фанларга кўпроқ қизиқасиз?
- Мен ўзбек адабиёти тарихига қизиқаман, шунинг учун адабиёт тарихига доир асарларни кўп ўқийман.
- Сиз кун тартибига риоя қиласизми?

- Ҳа, мен кун тартибига доимо риоя қиламан.

ХII-МАВЗУ: "ЎЗБЕКИСТОН БУЮК АЛЛОМАЛАР ВАТАНИ"

АМИР ТЕМУР

Амир Темур жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, улуг давлат арбоби ва моҳир саркарда бўлган.

У 1336 йил 9 апрелда Кеш, яъни Шаҳрисабз яқинидаги Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Амир Темурнинг аجدодлари барлос уруғидан бўлиб, Чигатой хонларининг бош амирлари бўлганлар.

Амир Темурнинг отаси уни 7 ёшида мактабга берган. Амир Темур болалик чоғида барлослар уруғи болалари билан бирга тарбияланган. У ўз тенгдошларидан ақл-заковати, шижоати ва жисмонияти билан ажралиб турган. У ҳарбий ўйинни севган. Амир Темурнинг болалик йилларидаги ҳарбий ўйинлари баданини ва руҳини чиниқтирган.

Амир Темур ўн саккиз ёшида чавандозлик ва жанг машқлари билан жиддий шуғулланади. 25 ёшида Шаҳрисабз туманига ҳоким қилиб тайинланган. 1370 йил Балхнинг олиниши Темур ҳаётида ҳал қилувчи воқеа бўлди. Шу йил Темур Кешдан Самарқандга кўчиб ўтди. У ерда мустаҳкам деворлар, саройлар қура бошлади.

1373-74 йилларда Хоразмни эгаллади ва у Темур давлати таркибига кирди. 1390 йилда Ўрта Осиёнинг бутун ҳудуди Темур қўл остида бирлашди.

Амир Темур барваста, яғриндор, боши катта, қошлари қалин, жисмонан бақувват, серсоқол инсон бўлиб, баланд овозда гапирар, жасур ва хотираси кучли одам эди. Сотқинларни, кўрқоқларни ёмон кўрар эди.

У ўз юртининг ҳақиқий эгаси, адолатли ва саҳий ҳукмдор эди. Амир Темур Самарқандда гўзал бинолар, масжидлар, мадрасалар қурдирди. “Шоҳи Зинда” ансамбли, “Бибиҳоним” мадрасаси, “Гўри Амир” мақбараси бутун дунёга машҳур. Амир Темурнинг буюк хизмати Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлат барпо қилганидир.

Буюк саркарда 1405 йил 18 февралда Хитойга юриш бошлаган вақтда Ўтрор шаҳрида вафот этди.

Луғат

моҳир саркарда-великий полководец
марказлашган давлат-централизованное государство
ҳарбий-военный
ҳудуд-территория
адолатли-справедливый
саҳий ҳукмдор-хедруй правитель

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.

Яхшини ёмон кунда сина.

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.

Кечири олишлик-мардлик, кечири билмаслик номардлик саналади.

Тил-қиличдан ўткир.

Оқ бўлсанг-онт ичма.

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

Адоват эмас-адолат енгади.

Билаги зўр-бирни йиқар,
Билими зўр-мингни.

Ишон-аммо шубҳа қил.

Куч-адолатдадир.

1-топшириқ. Амир Темури ўғитларини ёд олинг.

ИБН СИНО

Ибн Сино Бухоронинг Афшона қишлоғида 680 йил амалдор оиласида туғилди. 986 йилда ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади ва шу вақтдан бошлаб ибн Сино (асл номи Хусайн) бошланғич маълумот олишга, илм-фанни ўрганишга киришади. Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ қуръонни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. Шу билан бирга ибн Сино табиий фанлар билан ҳам жиддий шуғулланади, табобатни севиб ўрганади. Тиб илмида у жуда тез камол топа бошлайди.

Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқаради. Ибн Сино Бухоро амирини даволайди. Шу тариқа сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Мантиқ, табиёт, табобат ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштиргач, Ибн Сино ўша давр фалсафасини ўрганишга киришади. 1002 йили Ибн Сино Бухорони тарк этиб Хоразм (Урганч)га кетади.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизга фақат 160 тага яқин асари етиб келган.

Ибн Сино асарлари Ўрта асрларда Оврупада илмий тил ҳисобланган лотин тилига, у орқали Оврупанинг бошқа тилларига таржима этилган.

"Тиб қонунлари" асари 5 та китобдан иборат. Бу асар XVIII асргача бутун дунё шифокорлари учун зарур қўлланма бўлиб келган. Буюк аллома ибн Сино 1037 йили вафот этади.

2-топшириқ. Матнни ўқинг ва таржима қилинг.

Луғат

амалдор оиласи-семья чиновника
бошланғич маълумот-начальное образование
истеъдодли-способный
хотираси кучли-острая память
зеҳни ўткир-острый ум
табобат-медицина
моҳир табиб-искусный лекарь

сарой кутубхонаси-дворцовая библиотека
мантиқ-логика
тиб қонунлари-канонӣ медицинӣ

Ибн Сино рубоийлари

Мени кофир этмак эмасдур осон,
Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.
Юз йилда бир келур мен каби инсон,
Демак бу дунёда йўқ бир мусулмон.

Ёшлик ишин қилиб бўлмас қариган замон,
Қарилигинг кофур очар, бўлмайди ниҳон.
Нима қилсанг, қилавердинг қаро кечада,
Оппоқ тонгда ул ишларга йўл йўқ ҳеч қачон

Эй қуёш, йўқ сендек кезувчи олам,
Менга ҳам йўл кўрсат, йўлчиман мен ҳам.
Муҳаббат йўлида кўрдингми бул кун,
Юзи гардсиз, дили дардсиз бир одам?!

ИБН СИНО одоб-ахлоқ тўғрисида

- 1) Абу Али Ибн Сино айтади:
 - Ҳаё-инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.
- 2) Бир донишманддан сўрадилар:
 - Одам учун ярашадиган кийимлар ичида энг гўзали қандай кийим?
Донишманд жавоб берди:
 - Одам учун ярашадиган энг гўзал кийим бу одоб-ахлоқ кийимидир.
- 3) Абу Али ибн Сино шундай дейди:
 - Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.
- 4) Абу Али ибн Сино айтади:
 - Мард киши ўзини меҳнат, риёзат билан кўрсатади. Инсон билан ёввойи ҳайвон орасидаги фарқ яхши ахлоқ касб қилмоқдadir.

Уч буюк табиб.

Бир табиб қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди. Унинг шогирдлари йиғилиб устодларини даволашга киришдилар.

Касал устод уларга:

- Севимли шогирдларим, мени даволаш учун беҳуда заҳмат чекманг, тузалишдан умид узганман, ўлимим яқин қолганга ўхшайди. Вафот топганимдан кейин жуда қайғуриб ох-воҳ қилманг, чунки ўрнимга учта буюк табиб қолдириб кетаман. Шу зўр уч табибнинг маслаҳатларига ҳаммангиз эътибор беринг ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг,-деди.

Шогирдлардан бири:

- Бизларнинг азиз устодимиз, сиздан кейин ўрнингизга қоладиган учта табиб кимлар – деб сўради. Устод кўзларини очди, ёнидаги шогирдларига шундай жавоб берди:

- Сизларга сўзлаганим учта зўр табибнинг бириси- поклик, иккинчиси парҳез, учинчиси бадантарбиядир. Доимо пок, озода бўлишлик, ўз миқдорида овқатланиш, бадантарбия билан шуғулланиш- мана шуларнинг ҳаммаси саломатликни сақловчи энг яхши чоралардир.

3-топширик. Ривоятни ўқинг, маъносини изоҳлаб беринг.

Луғат

шогирд-последователь

беҳуда-зря

маслаҳат-совет

поклик-чистоплотность

парҳез-диета

бадантарбия-гимнастика

саломатлик-здоровье

Поклигинг – соғлигинг

Оқ бўлмаса ҳам,

Пок бўлсин.

(Ўзбек халқ мақоли).

Кексалар "Поклигинг - соғлигинг", деб бежиз айтишмаган, чунки ўзини ва атроф муҳитни пок тутган киши дард кўрмайди. Одатда одам ҳар куни 4-5 марта яхшилаб ювинади, озода кийинади, тирноқларини вақтида олиб туради. Ҳафтада бир-икки марта ҳаммомга ёки ваннага тушади.

Қишин-ёзин дераза ва эшиклар очиб қўйилади, яхшилаб супуриб-сидирилади, ҳўл латта билан артиб турилади, уй кўтарилади.

Гўзал ва соф табиат қўйнида яшайдиган киши озода яшайди, дард кўрмайди, чунки бундай шароитдан дард қочади.

Маълумки чивин ва пашша, газанда ва ҳашаротлар ифлос жойларда пайдо бўлади. Пашша бор жойда албатта касаллик бўлади. Турар жой озода бўлса, пашша йўқотилса, касаллик тарқатувчи паразитлардан ному нишон қолмайди.

Атоқли тиббиёт арбоби Н.А.Семашко: "Санитария маданиятсиз умуман маданият бўлиши мумкин эмас," деб жуда тўғри айтган. Ахлатни кўчага ташлаш, ариққа тўкиш санитария қоидаларига ҳилоф ва маданиятсизлик белгисидир. Юқумли касалликлар хавфи бўлганда қўл бериб кўришмаслик керак. Кўкат, сабзавот ва ҳўл меваларни албатта тоза сувда чайиб, сўнг истеъмол қилиш, улар устидан сув ичмаслик лозим.

"Поклигинг-соғлигинг" деган сўзда олам-олам маъно бор. Ҳақиқатан ҳам саломат бўлиш учун одам покиза бўлмоғи керак.

4-топширик. Матнни ўзингиз мустақил ўқиб, ўзбекча-русча луғат ёрдамида таржима қилинг.

5-топширик. Тозалик, озодаликка оид қандай мақолларни биласиз? Дафтарингизга ёзинг.

УЛУ/БЕК

Муҳаммад Тарағай Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартада Султония (ҳозирги Эрон)да туғилган.

Улуғбек ёшлик вақтларида бобоси Амир Темур билан кўп юришларида қатнашган, кўп мамлакат ва шаҳарларни кўрган. Темур вафотидан кейин ҳокимият Улуғбекнинг отаси Шохруҳ қўлига ўтади. Шохруҳ Хуросонда ҳукмронлик қилади. Моварауннаҳрни ўғли Улуғбекка топширади. У вақтда Улуғбек 15 ёшда эди. Улуғбек "Бибиҳоним" масжиди, "Гўри Амир" мақбараси, "Шохизинда" биноларининг қурилишини тамомлади, кўп ерларда боғлар яратди. 1417-1420 йилларда ажойиб мадраса қурдирди. Бу мадраса тарихда Улуғбек мадрасаси деб аталади. У кейинчалик Самарқандда расадхона қурдирди. Расадхонани ўша вақтдаги энг яхши мукаммал асбоблар билан таъминлади.

Улуғбек даврида Самарқанд илм марказига айланган эди. Улуғбек яратган илмий ишларнинг энг каттаси "Астрономия жадвали" асаридир. Улуғбекнинг бу асари 1665 йили Оксфордда, 1863 йили Парижда, 1917 йилда Америкада, 1943 йили Лондонда таржима қилинган ва босиб чиқарилган. Бу асар ўрта аср Шарқ астрономиясининг энг сўнгги асари ҳисобланади.

6-топшириқ. Матнни ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

1. Улуғбек қачон ва қаерда туғилган?
2. Бобоси билан қаерларда бўлган?
3. У неча ёшда давлатни бошқара бошлаган?
4. Улуғбекнинг энг катта асари қайси?

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Буюк энциклопедист олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий шижоати фақат Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихидагина эмас, балки бутун дунё халқлари илм-фанида, маданий ривожланиши тарихида юксак ўрин эгаллайди.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) Хоразмда туғилиб ўсди. У тарих, астрономия, минералогияга оид бир қатор асарларнинг муаллифидир.

У ўзининг "Ҳиндистон" номли машҳур асари билан фанда шуҳрат қозонди.

Беруний илм доирасининг кенглиги ва фикрларининг чуқурлиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган табиатшунос ва забардаст философдир.

Унинг 150 дан ортиқ асари мавжуд. Беруний ўрта асрнинг буюк қомусий олими.

Халқимиз Абу Райҳон Берунийнинг юксак истеъдоди, тарихий хизматлари, умуминсоният маданиятига қўшган буюк ҳиссасини қадрлайди ва улуғлайди.

1967 йилдан бошлаб эса фан соҳасида Беруний номидаги республика Давлат мукофоти таъсис этилди.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ

- * Инсон ҳаётидаги зарурият, эҳтиёжлар уларнинг илмга бўлган талабларини келтириб чиқаради.
- * Миннат қилиш-қилинган эҳсонни йўққа чиқаради.
- * Душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалал етадиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар.

7-топшириқ. Ўқинг, мазмунини рус тилида айтиб беринг.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲАҚИДА

Берунийнинг "Ҳиндистон" асари қадимги ва Ўрта аср /арб ва Шарқ илмий адабиётида мисли қўрилмаган ягона ёдгорликдир.

В.Р.Розен.

Ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олимнинг ундан олдин ва ундан кейин бўлганлигини билмадим.

Эдуард Зехау (немис шарқшуноси).

XI асрнинг биринчи ярмини Беруний даври деб атаса бўлади... Беруний замонасининг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг ҳам энг улуғ сиймосидир.

Жорж Сартон.

8-топшириқ. Абу Райҳон Беруний ҳақидаги фикрларни рус тилига таржима қилинг ва мазмунини ўзлаштиринг.

ЧОЛ ВА ЧУМЧУҚ.

Абу Райҳон Беруний.

Масалалардан бирида шундай дейилган: Бир чол чумчук тутиб олибди. Шунда чумчук чолга:

- Мени нима қилмоқчисан?-дебди.

- Сўйиб емоқчиман, - дебди чол.

Мен билан тўймайсан-дебди чумчук чолга қараб. Чунки мен сенга ярим лукмадан ортмайман. Борди-ю мени қўйиб юборсанг, сенга учта ҳикматли сўзни айтиб бераман, унга амал қилсанг, катта фойда кўрасан.

Чумчук айтган фикр чолга маъқул тушди, улар тангри таолони гувоҳ келтириб, келишишди. Кейин чол: - қани ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи?-дебди. Чумчук чолга: - Ўтган ишга ҳеч қачон пушаймон қилма, қўлга киритишинг мумкин бўлмаган нарсага ҳаракат қилма, ақлинг бовар қилмайдиган ишга ҳеч ҳам ишонма, - дебди.

Чол ўзича ўйлаб:

- Буни ейишдан кўра айтганини қилсам яхшироқ эмасми? - дебди чол ва чумчукни бўшатиб юборибди.

Чумчук учиб бориб деворга қўнибди.

- Агар ўз айтганингда қаттиқ туриб, мени сўйиб еганингда, ичимдан каптар тухумидай бир марварид чиқарди, - дебди чумчук чолга.

Чол чумчукни қўйиб юборганига пушаймон қилибди. У чумчукни қайтариб қафасга солиб олмоқчи бўлибди, шунинг учун жон талвасасида чумчукқа қараб:

- Кел, қайт жойинга, - дебди, - мен сен учун сим-сим кунжут уруғини тозалаб, муздек сув ҳам тайёрлаб қўйибман.

Чумчук чолга қараб шундай дебди.

- Эй одам боласи, сен мени сўёлмадинг ҳам, еёлмадинг ҳам, ҳатто мен айтган гапга амал қилмадинг ҳам. Сен мени қўйиб юборганингга ачинаяпсан. Энди мени ўз жойимга қайтармоқчи бўляпсан. Лекин бу иш қўлингдан келмайди. Ундан кейин ўйлаб кўрмадинг, бутун гавдам каптар тухумдек келмайди-ку, жигилдоним қандай қилиб ўз гавдамдан ҳам каттароқ нарсани сиғдира олади?

Чумчук шундай дебди-ю, учиб кетибди.

9-топшириқ. Матнни ўқинг. Нотаниш сўзларни луғатдан фойдаланиб рус тилига таржима қилинг.

АЗ-ЗАМАХШАРИЙ

Ўрта Осиё халқлари азалдан жаҳон фани ва маданияти ҳаракати тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.. Ўрта Осиёда илм-фан, маданиятнинг жадал ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатган кўплаб олимлар Ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг теран, кўламли асарлари қадим ўлкамизда илм-фан, маданиятнинг юксак чўққига кўтарилганига яққол далилдир.

Аз-Замахшарий 1075 йилда Хоразмнинг Замахшар деган қишлоғида таваллуд топган бўлиб, унинг болалик ва ёшлик йиллари Хоразмда ўтган. У бошланғич маълумотни ҳам она юртида олган. Сўнгра ўз билимини ошириш мақсадида ўша пайтда йирик марказлардан бири Бухоро шаҳрига боради.

Бундан кейин аз-Замахшарий умрининг бир неча йиллари Ватанидан узоқда кечди, у Шарқнинг кўпгина мамлакатларини зиёрат қилди. Шу тариқа у Хуросонда, Исфаҳонда, Боғдод, Шош, Ҳижозда ва икки марта Маккаи Мукаррамада бўлиб, умр кечиради. Шу туфайли у Шоруллоҳ ("Аллоҳнинг қўшниси") деган фахрли унвонга сазовар бўлади.

Маккадан қайтгач, Хоразмда яшайди ва 1114 йилда шу ерда вафот этади.

Аз-Замахшарий ўз замонасининг машҳур олими бўлиб, ўрта аср араб маданияти тарихида ўчмас из қолдирган. У араб маданияти, хусусан ўзи мукаммал эгаллаган араб тилига катта ҳурмат билан қараган. Асарларини ҳам араб тилида ёзган.

Аз-Замахшарийнинг илм-фаннинг турли соҳаларига тилшунослик, луғатшунослик, услуб ва нотиклик санъати шеърлятига бағишланган асарлари жаҳон маданиятига қўшилган йирик ҳиссадир.

10-топшириқ. 1).Саволларга жавоб топинг.

- 1.Қадимда қайси олимлар Ўрта Осиёда илм-фан ва маданиятнинг ривожига улкан ҳисса қўшганлар?
- 2.Аз-Замахшарий қаерда ва қачон таваллуд топди?
- 3.У Шарқнинг қайси мамлакатларини зиёрат қилган?
- 4.Олим асарларини қайси тилда ёзган?
- 5.У илм-фаннинг қайси соҳаларида йирик асарлар яратган?

2) Матнни рус тилига таржима қилинг.

Луғат

жаҳон фани-мировая наука
теран-глубокий
чўққи- вершина
далил-довод, доказательство
тилшунослик-язўкознание
нотиклик-оратор

АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий шоир, ҳам тоза қалбли бир авлиё инсон, халқ ва ҳақиқат жарчиси сифатида эл орасида маълум ва машҳур бўлган.

Аҳмад Яссавий (туғилган йили ноаниқ, вафоти 1166) ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида дунёга келди. У ёшлигида Арслон бобо номли шайх қўлида тарбияланади, кейин Бухорога бориб, атоқли сўфи Юсуфдан таълим олади. Хуросон ва Арабистон шаҳарларини саёҳат қилади. Яссавий туркий адабиётида ўзига хос мавқега эга шоирдир, ҳикматлари халқчиллиги ва соддалиги, самимийлиги билан кишига чуқур таъсир этади, эзгулик ва покликни, чин инсоний фазилатларни куйлаган Аҳмад Яссавийнинг нияти - ҳаммага меҳру шафқат кўргизиш, етим-есирлар, муҳтожларга ёрдам бериш, ғарибларнинг кўнглини кўтаришдир.

Яссавий инсон зотини пастга урувчи ёмон хислатлар-очкўзлик, хасислик, нодонлик, худбинликни қаттиқ қоралайди, айниқса, мол-дунё тўплашга хирс қўйган кишиларни у жуда ёмон кўрган. У барча ёвузликлар илдизини худобехабарлик, маърифатсизлик деб билган.

Луғат

тоза қалб-чистая душа
эзгулик-благодение
хақиқат жарчиси-глашатай справедливости
самимийлик-искренность
очкўзлик-жадность, алчность
худбинлик-эгоизм, себялюбие

10-топшириқ. Ўқинг ва рус тилига таржима қилинг. Матн юзасидан саволлар тузинг ва жавоб беринг.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ (1875-1919)

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидчилик ҳаракатининг етакчиси, янги ўзбек маданиятининг асосчиси. 1875 йили Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида туғилган. Отаси Беҳбудхўжа туркистонлик, Аҳмад Яссавий авлодларидан. Отадан ёш етим қолган Маҳмудхўжа тоғалари қўлида тарбия топади, қозихонада мирзалик қилади, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўради, сўнгроқ қози, муфти даражасигача кўтарилади. Беҳбудий дунёқарашининг шаклланишида жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспиралининг хизмати катта бўлган.

Беҳбудий 1899-1900 йилда ҳаж сафарига боради. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббус ва ғайрати билан Самарқанд атрофидаги қишлоқларда янги мактаблар ташкил топган. Адиб мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод» (1904) «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Тарихи ислом» (1909), «Китобатул атфол» (1909), каби дарсликлар тузади. Беҳбудий 1911 йилда ўзбек драмачилигининг биринчи намунаси «Падаркуш» ни яратди. Асар 1914 йилда сахнага қўйилди ва у миллатдошларга чакмоқдек таъсир этди. Беҳбудий 1913 йилдан матбуот ишлари билан шуғулланиди, «Самарқанд» газетаси, «Ойна» журналларини чиқарди, «Нашриёти Беҳбудия» номли нашриёт очди, кутубхонани йўлга қўйди. 1914 йилда иккинчи бор Шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. Саёҳат хотиралари. «Ойна» журналида босилди. Тилшунослик, адабий-танқидга, ижтимоий оид юзлаб мақолалар ёзди. Беҳбудий XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби эди. Ватан тақдири кун тартибига қўйилган 1917 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг ўлкан қурултойида ҳаяжонли нутқ сўзлаб, миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишига, буюк мақсад йўлида бирлашишга чақирди, худди шу ихтилофларимиз сабабли «мустамлака қондаси ила бизни идора этурлар» деб очиқ айтди. Худди шу йили Қўқонда эълон қилинган «Туркистон мухторияти» нинг маънавий отаси, шубҳасиз, Беҳбудий эди. Афсуски мухторият советлар томонидан хоинона бостирилди: 10 минг туркистонлик ўлдирилди, 180 қишлоқ тўпга тутилди. Воқеадан ларзага тушган Беҳбудий изтироб билан Самарқандга қайтади, у ерда тура олмай, Тошкентга келади, ҳукумат раҳбарлари билан музокара юритишига уринади, бу натижа бермайди. Орзулари чил-чил бўлган Беҳбудий 1919 йили ҳақ-ҳуқуқ истаб дунё жамоатчилигига мурожаат қилиш нияти билан йўлга чиқади ва Шаҳрисабзда қўлга олиниб, Қаршида қатл этилади. Унинг қатли хабари пойтахт Самарқандга бир йилдан сўнг маълум бўлади, 1920 йил апрелда бутун Туркистон мотам тутади. Беҳбудий умри Ватан ва Миллат умри қадар боқийдир.

Луғат

жадидчилик ҳаракати-движение джадидизма
адабий танқид-литературная критика
нашриёт-издательство
дунё жамоатчилиги-мировая обҳественность
музокара-переговорў

11-топширик. Матнни ўқинг ва саволлар тузинг.

ХШ-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМЛАРИ

«Наврўз-баҳор байрами»

Наврўз Шарқ халқлари орасида бир неча минг йиллардан бўён нишонланиб келмоқда. Кўп асрлар давомида бир қанча босқинчи қўшинлар Шарқ халқларининг умумий байрамини йўқ қилишга ҳаракат қилдилар. Аммо Наврўз барҳаётлигича қолаверди. Наврўз бирон бир санани нишонлаш учун эмас, кун ва тун тенглашганлигини англатувчи байрамдир. У табиатнинг ўзидан келиб чиққан, наврўздан кейин кунлар узаяди. Узоқ қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирда майса-ғиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланган. Нав-янги, рўз-кун, яъни янги кун деб аталиши ҳам бежиз эмас, Наврўз юртимизга гўзал баҳор фаслининг кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини ёйиши билан бошланади.

Наврўз-деҳқончиликнинг янги меҳнат куни, табиатга ва ерга меҳр-муҳаббатнинг уйғониши, ўзаро низо, урушлар, гина-қудратларнинг кечирилиши, тинч-тотувлик, яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш каби ҳаётий мазмунлар билан бойитилган.

Наврўз-рахм-шафқатнинг бошланиши, табиатни асрашга даъват, ўтганларни хотиралаш, биринчи пушта, биринчи экин кунидир. Улуғ бобомиз ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек, халқимизнинг ҳар бир куни Наврўздай нурафшон бўлсин!

1-топширик. Наврўз таърифини давом эттиринг.

Наврўз-йил боши,
Наврўз-янги кун
Наврўз-бу баҳор,
Наврўз-шодлик куни
Наврўз- меҳнат байрами
Наврўз-санъат байрами

2-топширик. Наврўз айёмида қандай миллий таомлар тайёрланади? Уларни номларини айтинг.

3-топширик. Матнни ўқинг, ундаги нотаниш сўзларни эслаб қолинг.

Луғат.

сана-дата
барҳаёт-вечнўй
босқинчилар-завоеватели
кўкда-на небе
майса-ғиёҳ-зелень
шодиёна-праздник, веселье
келинчак-невеста

сеп-приданое
низо-враждебность
гина-обида
даъват-призўв
деҳқончилик-земледелие
меҳнат ва санъат байрами-праздник труда и искусства

4-топшириқ. Сиз туғилиб ўсган шаҳарда Наврўз байрами қандай нишонланади? Луғатдаги янги сўзлардан фойдаланиб, шу ҳақида иншо ёзинг.

Сумалак-ўттиз малак

Бир бор экан, бир йўқ экан. Сумалак-биби Фотиманинг ошлари экан. Бир куни у кишининг болалари оч қолибди. Овқат пишириб берай десалар, уйларида қозонга солгудек ҳеч вако йўқ экан. Ўшанда киш чиқиб, энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган вақт экан. Биби Фотима ҳовлисининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар, қарасалар, ўша кўкариб, майсалаб қолган экан. Дарров шу майсадан ўриб келиб, майдалаб қозонга солиб, супрадан қоқиштириб олинган бир сиқим унни ҳам кўшиб, яхшилаб арашлаштириб, устидан сув кўйиб, қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозонни кавлаб ўтиргандан кейин ўғилларига кўшилиб Биби Фотима ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар қозонни ўттизта фаришта кавлаб пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган эмиш. Чунки сумалак ўттиз малак деганидир.

Баҳорнинг сен элчиси,
Яхшилиқнинг белгиси,
Наврўзнинг сен синглиси,
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

5-топшириқ. Матнни ўқинг, луғатдан фойдаланиб, таржима қилинг ва мазмунини гапириб беринг.

6-топшириқ. Сумалак қандай тайёрланишини биласизми? Мазасини татиб кўрганмисиз? Шу мавзуда суҳбат ўтказинг.

«НАВРЎЗ МАРОСИМЛАРИ»

Ота-боболаримиз, буви-момоларимиз Наврўз байрамини нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказишган.

Қадимда аجدодларимиз Наврўз кунлари қиш манзиллари-қишлоқлардан ёзги меҳнат ва ҳордиқ масканлари-ёзлонларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган.

Юртимизда Наврўзгача йўлларга кўчат, болаларга атаб ҳовли ва боғларга ниҳоллар экилади. Кўчалар тозаланиб, ариқлар қазилади. Жамоа-жамоа бўлиб ҳашарлару-ошарлар уюштирилади. Наврўзга атаб ёшлар ранг-баранг кийимлар тикадилар, қарияларга сарупо тайёрланади.

Наврўзда шинни, қиёмлардан ташқари турли қандолатлар, сумалак ва ҳалим пиширилади. Наврўз кирар куни кўғирмоч қовурилиб, туршак қайнатилади. Ёғ, қаймоқ, жизза, ёнғоқ солиб чўзма-чалпагу кулча, лочиралар пиширилади. Ялпиз, исмалоқ каби кўкатлардан сомсалар ёпилади.

Наврўз байрами ҳафталигида турли оммавий байрам ўйинлари ўйнаганлар. Китобхонликлар, турли спорт-совринли ўйинлари, чиллак, қўғирчоқ ўйини, сеп ўйинлари, от ўйин шулар жумласидандир. Кўпқари-улоқ, кураш, турли ҳайвон ва паррандалар «жанг» лари, жумладан, хўроз, ит, қўчқор уюштириш, масҳарабозлик, аскиябозлик, дор ўйинлари ва халқ томошалари ўтказилган.

Баҳор қўшиқлари, лапарлар ижро этилган. Бундай сайиллар, ўйин-кулгулар дала, қир, боғу-роғларда, шаҳар марказларида ўтказилади.

Наврўз-бу Шодлик, Тинчлик, Ҳамкорлик, Мустақилликнинг қалдирғочи, баҳорий элчидир.

Луғат

лапарлар-чапушки
сайиллар-гуляния
ҳамкорлик-содружество
қалдирғоч-ласточка
дорбозлик-канатоходство
аждодлар-предки
шинни-джем
қиём-варенье
ялпиз-мята
исмалоқ-шпинат
кўчат-саженец

7-топшириқ. Матнни ўқинг. Берилган режа бўйича мазмунини гапириб беринг.

- 1.Наврўздаги экин-тикин ишлари.
- 2.Наврўз таомлари.
- 3.Наврўз байрами маросимлари.

8-топшириқ. Наврўз таърифини ёд олинг.

ГУЛГУН ЮЗЛАР

Турли қушлар ўз тилида қилур наво, Наврўз букун,
Кунлар исиб, қорлар эриб, очик ҳаво, Наврўз букун.
Табиат ноз-неъматини кўз-кўз қилди дала, қирда,
Она замин кўрди бизга мулкин раво, Наврўз букун.
Кексаю ёш, йигит-қизлар ясанишган, юзлар гулгун,
Сумалак, кўк сомса, ялпиз танга даъво, Наврўз букун.
Давом этар кураш, ўйин, қизиқчилик дoston айтиш...
Ҳамма ёқда авжга чиққан зўр томоша, Наврўз букун.
Бу қадимий анъананинг тиклангани катта бахтдир,
Ота-бобо орзусини этдик адо, Наврўз букун.

Тўра Жуман.

9-топшириқ. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Наврўз ҳақида ҳикматлар.

- 1.Яхши одам кўзидан маълум
Яхши йил Наврўзидан.

2.Наврӯздан сўнг қиш бўлмас,
Мезондан сўнг ёз бўлмас.

3.Баҳорги ҳаракат кузги баракат.

4.Март экини-март экин.

5.Наврӯз куни барака берсин,
ёмонлик ерга кирсин.

10-топшириқ. Ҳикматларни маъносини тушунтиринг.

9-май-Хотира ва қадрлаш куни

Бизнинг ўзига хос ҳикмат ва ибратга бой байрамларимиз жуда кўп. Истиклол йилларида қадимий қадриятларимиз ва бугунги маънавий эҳтиёжимизга асосланган янги байрамларимиз ҳам пайдо бўлди. Масалан, президентимиз фармонида биноан 9-май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.

Ўтганларни хотиралаш, уларни ёд этишни халқимиз инсонийликнинг муҳим бир шарти деб билган. Хотира ва қадрлаш куни бизни ўз фарзандлик бурчимизни, инсонлик бурчимизни шараф билан адо этишга ундайди, инсоннинг Ватан озодлиги йўлидаги жасоратини қадрлашга даъват этади.

Шу боис мамлакатимиз пойтахтининг қоқ марказида Хотира майдони барпо этилди. Бу майдонда миллий меъморлик руҳидаги айвонлар қад ростлади, мотамсара она сиймоси бунёд этилди, махсус китобларда иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва ҳалок бўлганлар номи қайд этилган. Буларнинг барчаси миллат хотираси уйғонаётганидан, инсоннинг қадр-қиммати тикланаётганидан далолат.

Хотира уйғонган, аجدодлар руҳи эъзозланган юртда тинчлик барқарорлик мустаҳкам бўлади, авлодлар савобли ва хайрли ишларга қўл уришга шошиладилар. Буларнинг барчаси эса охир оқибатда Ватаннинг келажагини янада нурафшон этади.

11-топшириқ. Матнни ўқинг, мазмунини гапириб беринг. Матнга саволлар тузинг.

Луғат.

Хотира ва қадрлаш куни-день памяти и почести

ўзига хос-своеобразный

ибрат-образец, эталон

бурч-обязанность

даъват этади-призывает

миллий меъморчилик руҳида-в духе национальной архитектурў

1-июнь—Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни

«Болага эътибор-келажакка эътибор».

Боланинг шодон кулгисини эшитганмисиз? Унинг ичига сиққан завқ оламга сиғмайди. Бола куёш янглиғ бир мўъжиза балки куёшдан ҳам гўзал.

Лекин оламда ҳали ҳам боланинг ҳаётига раҳна солувчи уруш, очарчилик, касаллик каби турли болалар бор. Айнан шунинг учун Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни мавжуд. Бу-1 июнь куни.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, аниқроғи, 1949 йилда 1 июнь-жаҳон жамоатчилиги фикрини болаларни уруш хавфидан ҳимоя қилиш, болалар соғлигини сақлаш, уларнинг тарбия ва таълимини демократик асосда амалга ошириш учун курашга сафарбар этиш кунини деб белгиланган.

Бу байрам ҳар йили дунёнинг барча мамлакатларида бирдек ўзгача кўтаринки руҳ билан ўтказилади. Пойтахтимизнинг энг хушманзара сайилгоҳлари болажонлар билан гавжум бўлади, кун бўйи турли-туман қизиқарли тадбирлар тўхфа қилинади. Бу байрамга ҳар йили алоҳида тайёргарлик кўрилади. Боиси, ҳар бир мамлакатнинг куч-қудрати унинг эртанги фаровон турмуш яратувчилари-болакайларга кўрсатилаётган ғамхўрлиги билан белгиланади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, «фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади».

Луғат

очарчилик-голод

жаҳон жамоатчилиги-мировая общественность

халқаро кун-международный день

куч-қудрат-сила, моҳъ

тайёргарлик-подготовка

12-топшириқ. Матнни ўқинг, таржима қилинг, қисқача мазмунини гапириб беринг.

МЕҲРЖОН САЙЛИ.

Меҳржон - энг гўзал, энг тароватли байрам сайлларида ҳисобланади. Меҳржон ҳосил кўтариб, қишга тайёргарлик кўриш байрами. У тўкин сочинликка шукроналик, ҳаётга муҳаббат рамзини белгилайди.

Халқ кузги байрам сайлининг номини «Меҳржон» деб билиб қўйган. Меҳржоннинг фасллар орасида алоҳида ўрни бор. У ўзининг ноз-неъматга мўл-кўллиги пайтида, пишиқчилик, маъмурчилик пайтида байрам қилинади. Деҳқон йил бўйи қилган меҳнатининг лаззатини тотиб кўраётган пайтида 25 октябрдан 26 октябрга ўтар кечаси нишонланади.

Қадимда ота-боболаримиз қанча ҳосил олганларидан қатъи назар йил бўйи сидқидилдан меҳнат қилиб, қанча бўлса – бориға барақа, дейишиб муайян бир вақтда (Мезон киришида) баҳорда Наврўзни қанчалик тантана билан нишонлашса, Меҳржонни ҳам ундан қолишмайдиган тарзда шод-хуррамлик билан байрам қилганлар.

13-топшириқ. Матнни мустақил ўқинг, мазмунини тушуниб олинг.

14-топшириқ. Қуйидаги мақолларни ўқинг.

Эл бир бурдадан берса тўйдиради,
Бир муштдан урса ўлдиради.

Сендан ҳаракат-мендан баракат.

Уруғ экдим-олтин олдим, экмаганда қуруқ қолдим.

Мен ўзгага бирни берсам, танграм менга ўнни берар.

Бахилнинг боғи кўкармас.

Тошга эк-у тангридан тила.

XIV-Мавзу: «МАШҲУР ЎЗБЕК ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРИ»

АЛИШЕР НАВОИЙ

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзбек адабиёти, айна замонда, жаҳон адабиётини ажойиб дурдоналар, ўлмас образлар билан бойитган улкан тарихий сиймодир.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси /иёсиддин мансабдор, онаси темурий шаҳзодаларининг энагаси бўлган. Тўрт ёшида уни ўқишга бердилар. Алишер айниқса адабиётни севди. Алишер Навоий 10-12 ёшларидаёқ илк шеърлари билан шоир ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди.

Алишер отадан ёш қолди. У маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобур қарамоғида тарбиялана бошлади. 15 ёшида Султон Хусайн Байқаро билан бирга саройда хизмат қила бошлади.

Навоий мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва бошқа фанлар билан шуғулланади. Форс-тожик, араб ва ўзбек классик ёзувчиларининг асарларини кунт билан ўрганади. Ўзбек ва форс-тожик тилларида гўзал шеърлар битиб, икки тил эгаси сифатида шуҳрат қозонади.

Кейинчалик Навоий шоир Абдурахмон Жомий билан танишади.

Навоий йирик маданий марказлардан бири Самарқандга келади. Самарқанд Навоийнинг билим ва ижодий камолотида муҳим босқич бўлди. Хусайн Бойқаро тахтга чиққач, 1469 йилнинг бошларида Навоий яна Ҳиротга қайтади.

1472 йилда Хусайн Бойқаро Навоийни амирлик вазифасига тайинлайди. Аммо Навоийни мансаб эмас, эл-юрт учун хизмат қилиш қизиқтирар эди.

Алишер Навоий бутун умрини, бой ижодий фаолиятини халқ иши учун, халқ манфаати учун сарф қилган улуғ шоирдир.

Алишер Навоийдан бой ижодий мерос қолган. 50 минг мисрага яқин шеърни ўз ичига олган лирик мероси «Хазойинул-маоний»асари халқ ўртасида «Чор девон» номи билан шуҳрат топган. Унинг машҳур этик мероси «Хамса» беш улуғ дostonни ўз ичига олади: «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий».

Алишер Навоийнинг ўттиздан ортиқ асарлари бизгача етиб келган.

Улуғ шоир, олим ва мутафаккир Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида Ҳирот шаҳрида вафот этади.

Луғат

мутафаккир-мўслитель

тарихий сиймо-исторический облик

энага-няня

ижодий камолот-творческое совершенство

халқ манфаати-благо народа

лирик мерос-лирическое наследие

яхшилик-добро

ёмонлик-зло

асар-произведение

маърифатпарвар-просветитель

риёзиёт-математика

1-топшириқ. Матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

2-топширик. Мақолларнинг мазмунини тушунтиринг ва ёд олинг.

Яхшилик қилолмасанг, ёмонлик ҳам қилма.

Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар.

Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-катра йиғилиб дарё бўлур.

Тилинг билан кўнглингни бир тут.

Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз.

Алишер Навоий

3-топширик. Матнни ўқинг ва мазмунини гапириб беринг.

Алишернинг ёшлиги

Алишернинг отаси /иёсиддин Кичкина ўғлининг идроки ва қобилияти билан фахрланарди. Ёшлигидаги бахтиёр кунлари Алишернинг ёдида доимо сақланиб қолган. Кўпинча уларникига меҳмонлар йиғилишар эди. Булар орасида шоирлар, олимлар, санъаткорлар бўларди.

Бу кишилар ўз саёхатлари ҳақида ҳикоя қилиб беришарди. Улар ҳикоя қилган ҳар бир қисса ёш Алишерга афсонадай туюларди. Шундай кечаларнинг бирида кекса бир шоир бир неча янги шеърлар ўқиб берди. Ўтирганлар ҳар бир ўқилган шеърни қизгин муҳокама қилдилар. Шунда форс шоири Қосим Анварийнинг номи ҳам тилга олинди. Катталарнинг суҳбатига қулоқ солиб ўтирган Алишер оиласидан рухсат олиб, Анварийнинг шеърларини ёддан ўқиб берди. Бу ҳол ўтирганларни лол қолдирди.

Луғат.

идрокли-умнўй

қобилиятли-одарёнўй

афсона-легенда

қизгин муҳокама-горячее обсуждение

лол қолдирмоқ-удивлять

ҲИКОЯТ

Алишер Навоий.

Саҳий бир подшоҳ бор эди. Саҳийлигидан халқ уни ҳурмат қилар эди. Унинг бир қули бор эди, хизмат даражаси баковуллик эди.

Кунлардан бир куни унинг базмида овқат вақтида, подшоҳнинг ҳам иштаҳаси яхши бўлиб турганда, фалокат босиб, бир тош қулнинг оёғига урилди. Шунда иссиқ ошни подшоҳнинг бошига тўкиб юборди. Одамлар:- Подшоҳ энди уни ўлдиради. Гуноҳига лойиқ жазо шудир!-деишди. Шоҳ эса қулнинг хафалигини кўриб, кечирди ҳам озод қилиб юборди.

Вазир деди:

- Эй, саҳийликда беғараз шоҳ, унга тигдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку?

Шоҳ эса завқ қилиб, лутф билан деди:

- Ҳижолат ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўлган ўликни бошқатдан ўлдирмаган, бошига эса жазо тигин тортмаган. Халқ ичида ким энг гуноҳкор бўлса, ўша авф ва иноятга энг кўп сазовордир.

Луғат

сахий-ҳедрўй
кул-раб
иштаҳа-аппетит
фалокат-несчастье
гуноҳкор-виновник
жазо-наказание
беғараз-бескористнўй
ҳижолат-стўд, неудобство
авф-прохение

БОБУР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаларидан бири, атоқли шоир ва давлат арбобидир. Бобур юксак дидли, нозик мушоҳадали лирик шоирдир. Бобур ижодининг дастлабки давридан то умрининг охиригача ўзбек тилида асарлар яратди. У лирик асарларни тўплаб, икки девон тузган.

Бобур ўзининг 47 йиллик умри мобайнида мўжазгина шеърлар тўплами тузди, жаҳонга шуҳрати кетган қомус асар «Бобурнома» ни ёзди. Бобурнинг қатор қўлёзма нусхалари Франция ва Эрон кутубхоналарида сақланиб келмоқда.

Бобур лирикаси мавзу жиҳатидан бой ва хилма-хилдир. У ҳаёт шодлиқларини, севги ва садоқатни, илм-маърифатни куйлайди.

Бобур ҳаёти давомида марказлашган буюк давлат вужудга келтириш учун Шайбонийхонга қарши бир неча бор кескин кураш олиб борди. У бу курашларда мағлубиятга учраб, она-ватанни ташлаб кетишга, «Ҳинд сари» юз тутишга мажбур бўлди, умрбод ўзга юртларда қолиб кетди.

Бобурнинг ватанга муҳаббати, уни қўмсаши, мусофирлик машаққатлари унинг рубоийларида ифодаланган. Илм-маърифатни қадрлаган ва унга ҳомийлик қилган Бобур улуғ устоз сифатида кўпгина рубоийларида илм олишга чақиради, илмли бўлишни улуғлайди.

Ўз асарларида чин инсоний севгини куйлаган, гўзал ҳаёт ва она-юртни мадҳ этган буюк шоир Бобур китобхонлар даврасида ҳамиша барҳаётдир.

Луғат

мумтоз адабиёт-классическая литература
намоёнда-представитель
юксак дид-тонкий вкус
қўлёзма нусхалари-рукописнўе экземплярь
мағлубият-поражение
мусофирлик-жизнь на чужбене
мадҳ этмоқ-воспевать
китобхонлар-читатели

4-топшириқ. Рубоийларин ўқинг ва ёд олинг.

Рубоийлар

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод ўтмасди, оҳ,

/урбатда севинмас эмиш, албатта, киши,

* * *

Ким ёр анга илм, толиби илм керак,
Ўргангали илм, толиби илм керак,
Мен толиби илму толиби илме йўқ
Мен бормен илм толиби, илм керак.

* * *

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидир.

Бобур

5-топшириқ. Матнни ўқинг, мазмунини айтиб беринг.

ФУРҚАТ

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йил Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Холмуҳаммад илм, санъат ва адабиётни севар эди. Зокиржон жуда қобилиятли бола эди. У 9-10 ёшларида шеър ёза бошлади.

Зокиржон 1872 йилда Қўқондаги мадрасада ўқиди. У Навоий, Жомий, Махмур, Гулханий каби ўзбек ва тожик ёзувчиларининг асарларини ўрганди. Зокиржон 1878 йилдан бошлаб Фурқат тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. У тез кунда истеъдодли шоир сифатида танилди.

Фурқат 1889 йилда Тошкентга келди ва шаҳарнинг тарихий, маданий жойлари билан танишди. У Тошкентда «Илм хосияти», «Гимназия», «Суворов», «Виставка» каби шеърларини ёзди. Фурқат 1891 йил Тошкентдан жўнаб кетди. Сўнгра Болгария, Юнонистон, Туркия, Арабистон, Ҳиндистон, Миср мамлакатларида бўлди ва 1896 йил Ёркентга келди.

Фурқат 1909 йил Ёркентда вафот этди.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894-1938)

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. Аввал эски мактабда, кейин рус-тузем мактабида таълим олди.

А.Қодирий Октябрь ўзгаришларидан кейин қатор шўро идораларида хизмат қилди. Ҳамиша халқ орасида бўлган, унинг эҳтиёжларини, кайфияти истакларини билган ёзувчи ўзининг ҳаққоний битилган асарларидаги дилбар образлар орқали ўзи мансуб бўлган халқнинг турмушини яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, миллий ғурурини улуғлашга интилади.

А.Қодирий сатирик «Муштум» журнаliga асос солувчи ва иштирокчиларидан биридир. Унинг жуда кўп ҳикоя, фелъетонлар, мақолалари бу журналда босилган.

1925 йили «Ўтган кунлар» романи босилиб чиқди. Ёзувчининг 1928 йилдаги иккинчи романи «Меҳробдан чаён» деб аталади.

1934 йилга келиб Абдулла Қодирий қишлоқ хўжалиги мавзусига бағишлаб «Обид кетмон» қиссасини яратди. Ундан ташқари у Гоголнинг «Уйланиш» Чеховнинг «Олчазор» ва бошқа /арб ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

А.Қодирий яна бир қанча романлар яратиш орзусида эди. Бироқ бевақт ўлим орзулари рўёбга чиқишига имкон бермади.

А.Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрида қамоққа олинди.

«Менга қўйилган айбларни рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан кўркмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман».

А.Қодирий 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилди.

Ўзбек адабий тилининг ҳозирги шаклини бунёд этишда ҳеч бир ёзувчи Абдулла Қодирий каби муҳим ўрин тутмаган. 1956 йилдан бошлаб асарлари янгидан нашр этила борди. 1990 йилда президентимиз фармони билан Абдулла Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилид. 1991 йилда эса Абдулла Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. Ҳозирги кунда қатор кўчалар, боғлар, мактаблар, кутубхона, маҳалла ва олий ўқув юртлари унинг номи билан юритилади.

Луғат

ҳаққоний-справедливо

дилбар образлар-нежнўе образў

“Меҳробдан чаён”-“Скорпион из алтаря”

асос солувчи-основоположник

мақола-статья

миллий ғурур-национальная гордость

улуғлаш-возвеличивать

6-топшириқ. Саволларга жавоб беринг.

1. А.Қодирий ким?
2. У қачон ва қаерда туғилган?
3. А.Қодирий қаерларда таҳсил олган?
4. У қайси журналга асос солган?
5. А.Қодирий қандай асарлар ёзган?
6. А.Қодирий қачон вафот этган?
7. Унга қачон А.Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди?

Қўрқинч бир жасорат («Меҳробдан чаён» романидан)

Камбағал бўёкчи оиласида олтинчи фарзанд бўлиб туғилган Анвар болалигидан оғир турмуш гирдобига тушади. Уч ёшида отасидан, етти ёшида онасидан ажралади. Опаси Нодиранинг уринишлари билан Солиҳ маҳдум мактабида таҳсил кўра бошлайди. Ўн икки ёшга етганда, Нодиранинг хонадонида яшаш ҳам оғирлашиб, у маҳдумга фарзандликка берилди. Мактабдош дўсти Насим туфайли унинг саройда амалдор бўлиб ишлайдиган отаси билан яқинлашади ва бу одам Анварни саройга мирза сифатида ишга олади. Қобиляти ва теран ақли туфайли Анвар мирзабошлик мартабасига эришади. Анвар домласи Солиҳ маҳдумнинг қизи гўзал ва оқила Раънони севади.

Мадраса кўрмаган камбағал Анварнинг мирзабоши даражасига эришганини кўра олмаган кишилар Раънонинг таърифини Худоёрхонга етказдилар. Ва хон қизни сўратиб, маҳдумга одам қўяди. Анвар ва Раъно тақдирнинг зўрлигига тоқат қилиб ўтиришни хоҳламайди ва хон одамларидан қочиб, яширинишади. Хон Анварнинг яширинишида унинг яқин ҳамфиكري Султоналини айбдор санаб, ўлимга ҳукм қилади. Роман воқеалари

ривожда Анварнинг акаси қобил ва унинг бухоролик дўстлари Сафар бўзчи кабилар фаол иштирок этишади.

7-топшириқ. Романдан парчани ўқинг, нотаниш сўзларни ажратиб ёзинг.

МУРАББИЙ

Биласизми, кишининг яшаши учун нималар керак?

Қорнинг оч бўлса, қулоғингга гап қирмайди. Демак, одам умр кечириши учун кўп нарсаса эришмоғи лозим экан. Ҳар бир киши уларга ақли, меҳнати билан эришади. Ақл ва меҳнатсеварлик эса ёшлиқдан билим ва тарбия орқали орттирилади. Таълим ва тарбия берувчини мураббий деймиз.

Мураббийлик дунёдаги энг улуғ ва эзгу ишлардан. У ёш авлодни ҳаётга тайёрлайди. Шоир ҳам мураббийдир. Унинг оддий муаллимдан фарқи шундаки, у бир-икки авлодни эмас, бутун жамиятни тарбия қилади. Шунга кўра, у жамият мураббийсидир.

Абдулла Авлоний ана шундай шоир ва мураббийлардан эди. У 1878 йили эски Тошкентдаги Мерганча маҳалласида туғилган. Ёшлиги Мирободда кечди. Минг-минглаб кишилар сингари Абдулланинг ҳам турмуши оғир эди. Шу сабабли мадрасани тугата олмади. 14-15 ёшларида мардикорлик қилиб кун кечиришга мажбур бўлди. Мустақил ўқиди. Араб, форс, рус тилларини ўрганди. Шеър ёзишни машқ қилди.

Русча чоп этилган рисоаларни мунтазам ўқиб борди. Авлонийнинг ўзи янги турдаги мактаблар очди.

1890 йил бошларида шоир матбуот ишларига киришди. Рўзномалар чоп этди. Ўша йиллар ташкил қилинган «Туркистон театр труппаси» нинг ташкилотчиларидан бири А.Авлоний эди. Унинг ўзи ҳам «Пинак», «Адвокатлик осонми?» каби комедиялар ёзди. А.Авлоний давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Шоир, драматург, журналист, ношир, ажойиб табиатшунос А.Авлоний 1934 йилда Тошкентда вафот этди.

«Адабиётга ёхуд миллий шеърлар», «Мардикорлар ашуласи», «Биринчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарлар унинг қаламига мансубдир.

Луғат

мураббий-воспитатель
меҳнатсеварлик-трудолюбие
мардикор-поденъшхик
мунтазам-регулярно
ташкilotчи-организатор
матбуот-печать, пресса
ношир-издатель

8-топшириқ. Матнни ўқинг ва саволлар тузинг.

ИЛМ

Абдулла Авлоний.

Илм деб, ўқиш ва ёзишни яхши билиш, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмокқа айтилади. Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир. Илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатади. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидир.

Илмнинг фойдаси шу қадар кўпки, бизларни жаҳолат қоронғулигидан қутқаради. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқариб, ёмон феъллардан, бемаъни ишлардан қайтаради.

Илм бир дарё-ичи тўлмиш дуру-гавҳар билан,
Қиймату қадрини қачон билган они жаҳил иймон.

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидир. Шариатимизда қайси илмга муҳтож бўлсанг шуни билмоқ бизга фарздир. Шунинг учун ўқимоқ, билмоқ замонларини қўлдан бой бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмоққа жонимиз бориचा ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Ватан ҳақида шеър

Абдулла Авлоний

Туғилиб ўсдим бу Ватанда,
Ватаним мисли йўқ жаҳонда!

Тупроқлари унумликдир,
Манзараси кўримликдир.

Бир тарафда тоғлари бор,
Меваси мўл боғлари бор.

Тоғларидан конлар чиқар,
Ерларидан донлар чиқар.

Боғларидир ширин-шарбат,
Анжир, узум, анор, нашват.

Ҳавоси ўта ёқимли,
Чўллари бор тошлик, қумлик.

Тошканд эмас, тошқанд эрур,
Кесаклари гулдан эрур.

Ўтар кунлар, ўтар замон,
Эй Ватаним, бўлма ҳижрон.

Мен кетсам-да, сен бўл омон,
Омон-Ватан, Ватан-омон!

Луғат

мисли йўқ-несравненная
анжир-инжир
нашват-гурша
ёқимли-приятный

АБДУРАУФ ФИТРАТ
(1886-1938)

Абдурауф Фитрат адабиётимиз тарихида шоир ва олим, носир ва драматург, ўқитувчи ва маърифатпарвар сифатида муҳим ўрин эгаллайди. 1886 йилда Бухорода зиёли оиласида туғилган бўлиб, Бухоро ва Истамбул медресалари ва дорилфунунларида ўқиди. У араб, форс, турк тилларини мукаммал билганлиги туфайли Шарқнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштиради.

Адибнинг отаси савдогарлик билан шуғулланган бўлиб, 1918 йилгача Қашқарда туриб қолади.

Фитрат 1909 йилда Туркияга ўқишга бориб, 1913 йилгача Истамбул дорилфунунида ўқиётганда унинг зукко, билимдонлиги профессор ўқитувчиларни ҳайратга солади. Унга “Фитрат” донишманд тахаллусини берадилар. Унинг 1913 йилда тожик тилида яратган «Мунозара» номли асарида ўз халқини зулм ботқоғидан қутқариб, «нажот йўли» ни излаганлиги сезилади.

Фитратнинг 1922 йилда нашр этилган «Ўзбек шоирлари» тўпламига кирган «Кеча», «Беҳбудий мазорини излаб», «Шарқ» каби шеърларида изланиш жараёни учрайди.

Фитрат йирик олим, адабиётшунос сифатида ҳам бир қанча асарлар яратган. Жумладан, «Адабиёт қоидалари», «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «Аруз ҳақида» каби илмий кузатувлари адабиётшунослик фани тарихида муҳим роль ўйнайди.

Фитрат айни чоғда олим, улкан педагог, халқ маорифи ташкилотчиси сифатида ҳам фаол ишлади. 1921-1923 йилларда у Республика Маориф халқ нозири бўлиб хизмат қилди.

Фитрат 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Отахон Ҳошим, Қасам Рамазон, /ози Олим каби халқимизнинг буюк зиёлилари қаторида қатл этилди.

1991 йил 25 сентябрда Абдурауф Фитратга ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги реалистик адабий танқидчилик ҳамда адабиётшунослик мактабига асос солишдаги хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди.

9-топширик. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

Сухбат учун саволлар.

1. Фитрат ким?
2. У қачон ва қаерда туғилган?
3. Абдурауф Фитрат қаерда ўқиган?
4. Унинг биринчи тўплами қачон чиққан?
5. Фитрат олим, адабиётшунос сифатида қандай асарлар ёзган?
6. Фитрат қачон қатл қилинади?
7. Абдурауф Фитратга қачон Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди?

Лугат

носир-писатель

зиёли-интеллигентнўй

зулм ботқоғи-болото гнѐта

жараён-процесс

адабиётшунос-литературовед

адабий танқидчилик-литературная критика

ЧЎЛПОН (1897-1938)

Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897 йилда Андижоннинг Қатортерак маҳалласида зиёли оиласида дунёга келган.

Онаси уй бекаси бўлган. Отаси Сулаймонкул мулла Муҳаммад Юнус ўғли деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Чўлпон аввал эски мактабда, сўнгра эса Андижон ва Тошкентдаги обрўли мадрасаларда таҳсил олиб, араб, форс тилларини мукаммал ўзлаштирди.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авланий каби атоқли маърифат тарғиботчилари ва ташкилотчиларига эргашди, маърифатчи адиб бўлиб шаклланди.

Чўлпоннинг ижоди 1913-14 йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Қаландар», «Андижонлик» ва ниҳоят Чўлпон таҳаллуси билан ижод қила бошлади. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшди.

Чўлпон очеркнавис ва публицист сифатида ҳам баракали ижод қилди.

Чўлпон 1922-1926 йилларда ўзининг «Тонг сирлари», «Уйғониш» ва «Булоқлар» каби учта шеърий тўпламини нашр эттирди.

У драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. Чўлпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирий каби катагонлик сиёсати қурбони бўлди. У 1937 йилнинг 14 майда қамокқа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланган. 1956 йили оқланди.

Унга 1991 йил 25 сентябрда «Яна олдим созимни» китоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

Гўзал Туркистон

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?

Саҳар вақтида гулларинг сўлди.

Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,

Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

* * *

Билмам, на учун қушлар учмас боғчаларингда?

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,

Умидимизнинг сўнмас чироғи,

Бирлаш, эй халқила, келгандир чоғи,

Безансин энди Туркистон боғи.

* * *

Қўзғал, халқим, етар шунча жабру-жафолар.

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,

Қуллик, асорат-барчаси ёнсин,

Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,

Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин !

Яйрат, яшнат, ўз Ватанинг гул боғларингда.

УСМОН НОСИР

30-йилларнинг кўзга кўринган, эл оғзига тушган истеъдодли шоири Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Қўқон шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келди. Ёшлиги болалар уйида ўтган Усмон ўрта мактабни битиргач, 1931 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тил ва адабиёти факультетида таҳсил олди.

Усмон Носирнинг илк шеърлари университетда ўқиб юрган вақтларидаёқ матбуотда кўрина бошлаган эди. Шоирнинг «Қуёш билан суҳбат» (1932), «Сафарбар сатрлар» (1932), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1935) каби шеърӣ тўплamlари, поэма ва драмалари бирин кетин нашр қилинди.

Усмон Носир шеърӣати, аввало, ҳаётӣйлиги қолаверса, жозибали ва исёнкорлиги, айни чоғда содда ва равонлиги билан тезда китобхон қалбидан чуқур ўрин олган.

Усмон Носирнинг таржима соҳасидаги хизматлари ҳам бебаҳодир. Унинг таржимасида Пушкиннинг «Бокчасарой фонтани» поэмаси, Лермонтовнинг «Демон» асари ўзбек китобхонларининг қалбига етиб борган. Самимий, жўшқин, лирик истеъдод эгаси Усмон Носирнинг асарлари ҳамиша кишини ҳаяжонга солади. У.Носир қатагонлик даврининг қурбонларидан бири сифатида ёш умрини шўро лагерларида азоб-уқубатларда ўтказиб, тутқунликда 1944 йили вафот этган. Шоир номи ёшлик, кураш, гўзаллик куйчиси бўлиб, ўзбек халқи қалбида абадий яшайди.

Саволлар:

1. Усмон Носир ким?
2. У қачон ва қерда туғилган?
3. Усмон Носир қерда таҳсил олган?
4. Унинг қандай шеърӣ тўплamlари босилиб чиқарилган?
5. У қачон вафот этди?

Луғат

шеърӣят-поэзия

қатагонлик қурбони-жертва репрессии

ёшлик ва гўзаллик куйчиси- певец красотў и молодости

чақмоқ-молния

ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй, сен-ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни,
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, сўйла борингни.

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

БО/ИМ

О, у қандай фусункор!
Нур билан тўлган бутун.
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичаман.
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишимни ҳурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал қурур,
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!

Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман!
Ҳаётимнинг давоми—
Келажагимга ҳомий,
Ўрнимга боғбон бўлур:
Бир умрга ўлмайман!

10-топшириқ. Шеърларни ўқинг, нотаниш сўзларни ажратинг ва таржима қилинг.
Ҳоҳлаган шеърингизни ёд олинг.

/АФУР/УЛОМ (1903-1966)

Ўзбек адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири /афур /улом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Қўрғонтеги маҳалласида меҳнаткаш оиласида туғилди. 9 ёшида отасидан етим қолган /афур аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди. Кейинчалик муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги усулдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1923 йилдан болалар уйида мудир ва тарбиячи, сўнг «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати» рўзнома муҳарририятларида ишлади. Дастлабки шеърӣ тўпламлари «Динамо» ва «Тирик қўшиқлар» 1931-1932 йилларда чоп этилди.

Шоир лиро-эпик жанрларида (1930-1935) «Кўклам» поэмасини, «Тўй», «Икки васиқа» балладаларини яратди.

/афур /улом ҳикоя, очерк, фелъетонлар қатори «Нетай», «Ёдгор», «Тирилган мурда» каби қиссаларини ҳам ўз китобхонига тақдим этди.

Сўнгги йилларда /афур /уломнинг 20 га яқин шеърӣ тўпламлари чоп этилди. Шоирнинг «Кузатиш», «Сен етим эмассан», «Қиш», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Вақт», «Оналар» сингари асарларида дунё халқларини фашизм вабосидан халос этган жангчиларимизнинг мардона курашлари тасвирланган.

/улом «Шарқдан келаётирман» тўплами учун 1946 йили Иттифок Давлат мукофотига сазовор бўлди.

/афур /улом ўз даврида «Ҳурмат белгиси», 3 марта «Меҳнат байроғи» ордени, медаллар ва фаҳрий ёрлиқлар билан тақдирланган. У Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси эди. Ўзбекистон халқ шоири фаҳрий унвони берилди. Адиб 1966 йилда оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

Луғат
мудир-заведуюҳий
тарбиячи-воспитатель
муҳарририят-редакция
ҳақиқий аъзо-действительнўй член
хасталик-болезнь

ОЙБЕК

(1905-1968)

Ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган улуғ адиб, шоир, олим, жамоат арбоби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йили Тошкент шаҳрида бўзчи оиласида дунёга келди. Олдин ўрта мактабда, 1922-1925 йилларда эса Тошкент педтехникумида таълим олди. Сўнгра Ўрта Осиё Давлат дорилфунинида ўқишни давом эттирди. Ленинграддаги Плеханов номидаги халқ хўжалиги институтида таҳсил кўрди. 1930 йили Ўрта Осиё Давлат дорилфунини тугатиб, Олий мактабларда сиёсий иқтисоддан дарс беради.

Ойбек адабиётга 1926 йили чоп этилган «Туйғулар» шеърий тўплами билан кириб келади. Шоирнинг «Дилбар давр қизи» (1931), «Уч (1932)», «Бахтигул ва Соғиндик» (1933), «Темирчи Жўра» (1933) поэмалари ўз даврининг шеърий самараларидандир. Унинг 20 тадан ортиқ дostonлари бўлиб, тарихий, замонавий ва хорижий мавзуларда яратилган.

Ўзбек халқининг 1916 йилги Миллий озодлик қўзғолони ёзувчининг «Қутлуғ қон» (1940) романида зўр маҳорат билан реалистик ифодаланган. Адибнинг иккинчи йирик тарихий асари «Навоий» (1944) романидир. Ойбек бу романда Ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий образини яратди. Унинг «Олтин водийдан шабадалар» (1949), «Куёш қораймас» (1958) романларида Улуғ Ватан урушида эришилган ғалаба акс эттирилган.

Адибнинг «Улуғ йўл» (1967) асари эса «Қутлуғ қон» романинг мантикий давоми бўлиб, унда ёзувчи миллий онгининг шаклланишини маҳорат билан кўрсата олган.

Ойбекнинг автобиографик повести «Болалик» 1963 йилда яратилди. Қиссанинг бош қаҳрамони ёш Мусо, яъни Ойбекнинг ўзидир.

Ойбек истеъдодли шоир, йирик носир бўлибгина қолмай, машҳур олим, давлат ва жамоат арбоби, публицист, танқидчи ва таржимон ҳамдир.

Ойбек 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди ва 1950 йилгача академияда ижтимоий фанлар бўлимининг раиси лавозимида ишлади. У юқори малакали филологлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган устоздир.

Улкан адиб «Навоий» романи учун Иттифок Давлат мукофоти лауреати бўлди, бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори ҳам бўлган.

Унинг энг яхши асарлари жаҳон адабиёти хазинасига ҳам кирган. Ойбек 1968 йил 1 июлда 63 ёшида вафот этди.

11-топшириқ. Матнни ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

1. Улуғ адиб Ойбек қаерларда таҳсил олди?
2. Адибнинг қандай асарларини биласиз?
3. Адиб қандай лавозимларда ишлади?
4. Адиб қандай унвонларга сазовор бўлган?

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909-1944).

Ҳамид Олимжон-ўзбек шеърятининг ёрқин сиймоларидан бири. Бор йўғи 35 йил яшаган. Ҳамид Олимжон шодлик ва бахт кўйчиси, истеъдодли шоир, драматург, олим, давлат ва жамоат арбоби. Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келди. Наримонов номидаги бошланғич мактабни тугатгач, Самарқанд педагогика билим юртида (1923-1926), ўзбек Педакадемиясида (1923-1926) ўқиди.

Ҳ.Олимжон талабалик йилларидаёқ шеър ёзди. Илк шеърый тўплами «Кўклам» 1929 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг «Олов сочлар» (1931), «Ўлим ёвга» (1932), «Пойга» (1932) каби шеърый тўплamlари нашр этилди.

Ҳамид Олимжоннинг муҳаббатида ҳам, нафратиди ҳам порлоқ аланга бор. У ўзбек шеърятинида Чўлпондан кейин инсоннинг руҳий оламини нафис бўёқларда ифодалашга уринган шоирларнинг дастлабкиларидан бири.

Ҳамид Олимжоннинг 1936 йилдан кейинги ижодида лирик қаҳрамоннинг ички олами барча гўзал жилвалари билан акс эта бошлади.

Ўзбек халқ ижодининг ажойиб дурдона асари «Алпомиш» достони биринчи марта Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланиб, сўз боши билан (1938) чоп этилди.

Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди.

Ҳамид Олимжон ўзининг «Дарё кечалари», «Ўлка», «Бахт» тўплamlари, «Икки қизнинг ҳикояси», «Ойгул билан Бахтиёр», «Зайнаб ва Омон», «Семурғ» дostonлари билан новатор шоир сифатида даврининг илғор қояларини тараннум этди.

Истеъдодли шоир Ҳамид Олимжоннинг кўпчилик асарлари қардош халқлар ва хорижий халқлар тилларига таржима қилинган.

Шоир 1944 йилда автомобиль ҳалокатига учраб вафот этган. Ҳамид Олимжон бундан кейин ҳам шеърхон халқ орасида яшашда давом этади...

12-топшириқ. «Ҳамид Олимжон» матнини ўқинг ва саволлар тузинг.

Луғат

ёрқин сиймо-яркая личность
бахт куйчиси-певец счастья
руҳий олам-духовнўй мир
нафис бўёқлар-нежнўе краски
илғор ғоялар-передовўе идеи

Ўрик гуллаганда

Ҳамид Олимжон.

Новдаларни безаб ғунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини,
Ва шаббода қурғур илк сахар
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам, у беор,
Еллар мени алдаб кетади.

Мана сенга олам-олам гул,
Этагинга сиққанича ол,

Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам, у беор,
Еллар мени алдаб кетади.

13-топшириқ. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

УЙ/УН (1905-1990)

Меҳнат қаҳрамони, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати Раҳматулла Отақўзи ўғли Уйғун 1905 йили Қозоғистон жумҳурияси Жамбул вилоятининг Марки қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келди. У қишлоғидаги мактабни тугатгач, Тошкент педагогика техникумида ўқиди. 1925 йилдан бошлаб Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

1927 йили Самарқанд Педагогика академиясида ўқиди.

1929 йили шоирнинг «Баҳор қувончлари» номли биринчи шеърлар тўплами чоп этилди. «Март кунлари», «Чўл», «Колхозчи қиз», «Украина еллари» каби лирик шеърлари китобхонларнинг сеvimли асарига айланди.

30-йилларда шоирнинг «Иккинчи китоб», «Қуёш ўлкаси», «Шеърлар», «Муҳаббат» каби янги такрорий тўплamlари ва бир қатор ҳикоя ва достонлари босилиб чиқди.

Шоирнинг «Армуғон» (1941), «Ўзбекистон» (1942), «Ҳаёт чорлайди» (1954) каби шеърӣ тўплamlари босилди.

Шоир ва драматург Уйғун фаол жамоатчи сифатида (1951-1954) йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлиб ишлади. У ўзбек адабиёти тараққиётидаги хизматлари учун бир неча бор тақдирланди.

1956 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1965 йили Ўзбекистон халқ шоири фаҳрий унвонларига сазовор бўлди.

У Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати ҳамда Меҳнат қаҳрамони (1985) унвонларига ҳам эга эди. Уйғун 1974 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси қилиб сайланган эди.

Ижодкор ўз асарлари билан ўзбек поэзияси ва драматургияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган сермахсул шоир ва драматург сифатида таниқлидир.

У 1990 йил феврал ойида 85 ёшида оламдан ўтди.

14-топшириқ. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

15-топшириқ. Матнга саволлар тузинг.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР (1907-1968).

Абдулла Қаҳҳор XX аср ўзбек адабиётида наср ва драманинг тараққиётига катта ҳисса қўшган таниқли сўз санъаткоридир.

Абдулла Қаҳҳор 1907 йилнинг 17 сентябрида Қўқон шаҳрида темирчи оиласида дунёга келди. Ўрта маълумотни Қўқонда олган Абдулла 1925 йили Тошкентга келиб, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида ишлайди.

У Ўрта Осиё Давлат дорилфунининг педагогика факультетида (1930) таҳсил олди. Ёзувчи «Адабиёт» ойнамасида маъсул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир лавозимларида ишлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди 1924 йилдан бошланган. Дастлаб, «Муштум» ойнамасида, «Янги Фарғона» рўзномаларида унинг ҳикоя, фелъетон, хабарлари босилди. Ёзувчининг «Олам яшаради» номли биринчи ҳикоялар тўплами 1938 йилда чоп қилинди. 30 йилларда адибнинг «Ҳикоялар» тўпламлари китобхонлар қўлига тегди. Бу даврда «Сароб» (1935) романини ёзди. Улуғ Ватан уруши йилларида ёзувчининг бир қанча фелъетон, очерк ва ҳикоялари эълон қилинди. «Асрор бобо», «Кампирлар сим қокди», «Хотинлар» ҳикоялари ва «Олтин юлдуз» каби қиссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халқимизнинг меҳнатдаги жонбозлиги, юксак ватанпарварлиги ифодаланган.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг «Шоҳи сўзана» (1951), «Оғриқ тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962), «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек драматургияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Адиб бутун ижоди давомида ўзбек халқи вакиллариининг оддий ҳаёти, турмуш қийинчиликлари, ташвишлари, қувончлари ҳақида ҳикоя қилди. Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб бўлган жуда кўп асарлар халқимизнинг ўтмиш ҳаётига бағишланган.

Абдулла Қаҳҳор бир неча марта халқ ноиби этиб сайланган эди. У Давлат мукофотига, Хамза номидаги Давлат мукофотига сазовар бўлган. Унинг ёзувчилик меҳнати бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган.

У 1968 йил 25 май куни Москвада 61 ёшида вафот этди.

16-топшириқ. Матнни ўқинг. Матн юзасидан саволлар тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

Луғат

маъсул котиб-ответственнўй секретарь
ватанпарварлик-интернационализм
тақдирланган-награждён
салмақли ҳисса-весомўй вклад

ЗУЛФИЯ (1915-1996)

Зулфия-ўта камтар, ўта заҳматкаш, билим уфқи
кенг, доимо дили тошқин, оламни
тимсоллар-образлар кўзгусида тасаввур
этишга қодир етук ва асл шоира.

(Миртемир)

Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, халқаро тинчлик учун кураш жарчиси Зулфия Исроилова 1915 йили Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Шоира хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларидаёқ адабиёт тўғракларида шеър машқ қила бошлади. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. Сўнгра 1938-1948 йил «Болалар» нашриётида бўлим бошлиғи, 1950-53 йилларда эса «Ўзбекистон хотин-қизлари» ойнамасида бўлим бошлиғи ва нихоят «Саодат» (1953-1980) ойнамасининг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

Зулфиянинг биринчи шеърлар тўплами «Ҳаёт варақалари» (1932) босилиб чиқди.

Улуғ Ватан уруши даврида шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ҳижрон тунларида» каби тўпламлари нашр этилди.

Ҳозиржавоб шоиранинг урушдан сўнгги йилларида ёзилган бир қатор шеърый тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади.

Зулфия «Ўйлар», «Шалола» каби шеърӣ тўпламлари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. «Сайланма» лари учун Иттифоқ Давлат мукофоти, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққиётпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро «Нилуфар» мукофотиға сазовар бўлган.

Унинг шеърлари рус инглиз немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларға таржима қилинган.

Йирик жамоат арбоби шоира Зулфия Ўзбекистон Олий кенгашининг депутаты, Меҳнат Қаҳрамони унвони, бир қанча медаллар билан тақдирланган.

17-топшириқ. Матнни ўқинг ва саволлар тузинг.

18-топшириқ. Матнни рус тилиға таржима қилинг.

ЎҒИРЛАМАНГ ҚАЛАМИМ БИР КУН.

Зулфия.

«Ўғирлайман қаламим бир кун!»

Ҳазилингиз кўчирди жоним,

Нақ яроқсиз қолардай бугун,

Сирқиради толе, имоним.

Ўғирламанг қаламим бир кун,

Мени этманг соқов ва чўлоқ,

Тақинчоғим, анжомим тўқинг,

Бари қўлга, кўзға яқинроқ,

Ётар, олманг қаламим бир кун!

Мен Хофиздай улашмайман юрт!

Истеъдодим, қалбим сизларға,

Яхши номим, бахт-севинчим бут,

Барчасини берай қизларға.

Бахтингизни олай қаламға,

Очиб берай сизға қалбингиз,

Шухратини ёяй оламға,

Меҳнатингиз, севги, кашфингиз,

Ўғирламанг қаламим бир кун!

19-топшириқ. Шеърни ўқинг. «Ўғирламанг қаламим бир кун!» шеъри сизда қандай таасурот қолдирди?

ОДИЛ ЁҚУБОВ (1926)

Одил Ёқубов Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманининг Қарноқ қишлоғида хизматчи оиласида 1926 йили туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945-1950 йилларида Қизил Армия сафида хизмат қилди.

1951-1956 йилларда у Ўрта Осиё Давлат дорилфунининг филология факультетида ўқиди. 1955-1959 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслаҳатчи, «Литературная газета» нинг (1959-1963, 1967-1970) республикамиздаги махсус муҳбири, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва Республика кинематография кўмитасида бош муҳаррир /афур /улом нашриётида бош муҳаррир (1970-1982) ўринбосари бўлиб ишлади. Сўнгра

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг (1982-1989) бош муҳаррири бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги даврда у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг фахрий раисидир.

Одил Ёқубовнинг биринчи йирик асари «Тенгдошлар» повести 1951 йилда босилиб чиқди. Унинг «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди» (1958) каби комедиялари Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри сахнасида қўйилди. 1956 йилда «Икки муҳаббат» номли насрий асарлар тўплами нашр этилди.

Ёзувчи кейинги йилларда яратилган «Улуғбек хазинаси» романида (1974) улуғ ўзбек астрономи Улуғбек ва унинг ўғли Абдуллатиф ўртасидаги зиддиятларни кўрсатиб, прогрессив ва реакцион кучлар орасидаги курашларни тасвирлайди. Бошқа бир йирик асари «Кўҳна дунё» романида Ўрта Осиёнинг икки буюк алломаси Беруний ва Ибн Сино ҳаёти ва фожеали тақдири қаламга олинади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985) Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси» романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

20-топшириқ. Матнни ўқинг. Нотаниш сўзларни ўзлаштириб олинг. Матнга ўзингиз саволлар тузинг.

ЭРКИН ВОҲИДОВ (1936)

Ҳозирги давр ўзбек шеърятининг порлоқ юлдузларидан бири истеъдодли шоир Эркин Воҳидовдир. У 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида дунёга келган. Эркин Воҳидов оиласи 1945 йилда Тошкентга кўчиб келгач бўлғуси шоир шу ерда ўрта маълумот олади. 1960 йилга келиб, у Тошкент Давлат дорилфунининг филология факультетини тугатади, сўнгра турли нашриётларда муҳаррирлик қилади. Аввал «Ёш гвардия» нашриётида, сўнг /афур /улом нашриётида бош муҳаррир, директор бўлиб ишлайди. Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб сифатида Олий Кенгаш раёсати Ошкоралик қўмитаси раҳбаридир. У Республика адиблар иттифоқи бошлиғи ҳамдир. Унинг биринчи шеърый тўплами 1961 йилда «Тонг нафаси» номи билан босилиб чиққан эди. Шундан буён шоирнинг 30 дан ортиқ шеърый тўпламлари чиққан. Жумладан, шоирнинг «Кўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Нидо», «Лирика», «Ёшлик девони», «Чароғбон», «Муҳаббат», «Тирик сайёралар» каби шеърый гулдасталари ва дostonлари ўз китобхонига манзур бўлади.

Эркин Воҳидов бир қатор ажойиб драматик дostonлар муаллифи сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

Эркин Воҳидов оташин публицист ва адбиётшунос сифатида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Шу билан бирга у моҳир таржимон сифатида С.Есенин, Л.Украинка, А.Блок, Р.Ҳамзатов каби истеъдодли шоирларнинг шеърларини ўз она тилида сўзлата олди. Унинг таржима соҳасидаги маҳорати буюк немис шоири Гётеннинг «Фауст» асари (1974) таржимасида юқори чўққига кўтарилди. Адабиёт олдидagi ана шу хизматлари учун у Ўзбекистон Республикаси халқ шоири, Ҳамза мукофоти совриндори, Ўзбекистон қаҳрамони унвонлари билан тақдирланди.

21-топшириқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Эркин Воҳидов ким?
2. У қаерда ва қачон туғилган?
3. Эркин Воҳидов қаерда таҳсил олган?
4. У қандай шеърый тўпламлар ёзган?
5. Эркин Воҳидов кимларнинг шеърларини таржима қилган?
6. У қандай вазифаларда ишлайди ва қандай мукофотлар олган?

АБДУЛЛА ОРИПОВ (1941)

Абдулла Орипов ҳозирги замон ўзбек шеърятининг йирик вакили, моҳир таржимон ва жамоат арбобидир.

Абдулла Орипов 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилояти Косон ноҳиясидаги Некўз қишлоғида туғилган. 1958 йил ўрта мактабни олтин медал билан битириб, шу йили Тошкент Давлат дорилфунининг журналистика бўлимига кириб, уни 1963 йили муваффақиятли битириб чиқди.

1963 йилдан буён турли нашриётларда муҳаррирлик, Ёзувчилар уюшмаси котиби, муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш идорасининг раҳбари вазифаларида хизмат қилиб келмоқда.

А.Ориповнинг талабалик йилларида яратилган шеърлари республика матбуотида босилиб чиқди. 1965 йили биринчи шеърлар тўплами «Митти юлдуз» номи билан нашр қилинди. Шундан сўнг «Кўзларим йўлингда», «Онажон», «Рухим», «Ўзбекистон», «Юртим шамоли», «Хайрат» каби бир қатор шеърӣ тўпламлари босилиб чиқди.

Абдулла Орипов истеъдодли шоир бўлганидек, истеъдодли таржимон ҳамдир. У Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўғирди.

Абдулла Орипов-ноёб истедод эгаси. Чуқур фалсафӣйлик, миллий ғурур, исёнкор рух, диний-ахлоқӣй теранлик шоир шеърӣти асосларини ташкил этади. Унинг асарлари ўзбек шеърӣтини ҳамон бойитмоқда.

У мустақил Ўзбекистон мадҳиясининг муаллифи ҳамдир.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов муносиб тақдирланган. У Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреатидир, Ўзбекистон парламентининг аъзоси.

22-топшириқ. Матнни ўқинг ва қисқача мзмунини гаприб беринг.

23-топшириқ. Абдулла Ориповнинг шеърларидан мустақил топиб, ёққанини ёд олинг.

ЎТКИР ҲОШИМОВ (1941)

Талантли ёзувчи Ўткир Ҳошимов 1941 йили Тошкентда ишчи оиласида туғилди. У ўрта мактабни битиргач, 1959-1964 йиллар Тошкент Давлат дорилфунининг филология факультети журналистика бўлимида таълим олди. Ўткир Ҳошимов «Тошкент ҳақиқати», 1966 йилдан «Тошкент оқшоми» рўзномаси муҳарририятида бўлим мудири, /афур /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. Ҳозирги кунда «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳарриридир.

Ўткир Ҳошимов ўз ижодини шеър ва очерклар ёзишдан бошлади. Унинг биринчи очерклар тўплами 1962 йилда «Пўлат чавандоз» номи билан нашр этилди. Сўнггра «Чўл ҳавоси» (1963), «Одамлар нима деркин...», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди» (1970), «Қалбингга кулоқ сол» (1973), «Узун кечалар» (1975), «Нимадир бўлди» (1976), «Қуёш тарозиси» (1980), «Дунёнинг ишлари» (1982) хикоя ва қиссалар тўпламлари ҳамда «Нур борки, соя бор» (1979), «Икки эшик ораси» (1986) романлари босилиб чиқди. 1974 йили эса «Бировнинг ташвиши» номли психологик драмаси сахналаштирилди.

24-топшириқ. Матнни ўқинг. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Сухбат учун саволлар.

1. Ўткир Ҳошимов қачон ва қаерда туғилган?

2. У қаерда ўқиган?
3. Ўткир Ҳошимов қаерларда ва қандай лавозимларда ишлади?
4. Унинг биринчи тўплами қачон босилиб чиқди?
5. Ўткир Ҳошимовнинг қандай драматик асарлар ва романлар ёзган?
6. У қайси романлари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган?
7. Унинг қайси романларини ўқигансиз?

Сухбат учун саволлар.

1. Сиз ўзбек классик шоирларидан кимларни биласиз?
2. Уларнинг қайси асарларини ўқигансиз?
3. А.Навоий тўғрисида нималарни биласиз?
4. А.Навоийнинг қайси асарларини ўқигансиз?
5. «Навоий» романини ким ёзган?
6. «Алишер Навоий» кинофильмининг кўрганмисиз?
7. Сиз Навоий номли Адабиёт музейида бўлганмисиз?

СУХБАТ

- Сиз ўзбек адабиёти билан танишмисиз?
- Ҳа, ўрта мактабда танишганман.
- Ўзбек ёзувчиларидан кимларни биласиз?
- Мен ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирий, Ойбек, /./улом, Ҳ.Олимжон, Абдулла Қаҳҳор кабиларни биламан.
- Ойбек қандай асарлар ёзган?
- Ойбек «Қутлуғ қон», «Навоий», «Улуғ йўл» каби романлар ёзган.
- Ҳозирги давр шоирларидан кимларни биласиз?
- Шоирлар Э.Воҳидов, А.Орипов, Гулчеҳра Жўраева, Жуманиёз Жабборов, Эътибор Охунова ва Ойдин Ҳожиеваларни биламан.
- Уларнинг шеърлари сизга ёқадими?
- Уларнинг шеърларини мен севиб ўқийман.
- Қайси шоирнинг шеърларини ёддан биласиз?
- Мен Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» ва «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърларини ёддан биламан.

XV-МАВЗУ: «САНЪАТ ОЛАМИДА. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ САНЪАТИ»

1-топширик. Матнни ўқинг, рус тилига таржима қилинг.

МУСИҚА

Табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг муסיқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Ўтмишда муסיқа зиёиликнинг албат намунаси бўлган. Маърифат ва маънавият аҳлининг жонкуяр ҳомийси Алишер Навоий болалик чоғларида алифбо қатори муסיқа назариясини Хожа Бурхондан пухта ўзлаштирган, устози, тоғаси Муҳаммад Али /арибий, яқин дўстлари билан муסיқий ижод ва ижро соҳаларида мунтазам суҳбатлар ўтказиб келган.

Турли йўналишдаги мусиқа мактаблари пайдо бўлди: Бухорода «Шошмақом» ижрочилик мактаби, Самарқандда мақомчилик ва бастакорлик, Фарғонада созандалик ва катта ашулачилик мактаблари.

Ҳозирги кунда мусиқа таълими тизими Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида бўлиб, 300 дан зиёд болалар мусиқа мактаблари, 5 ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатлари, 14 мусиқа (санъат) билим юртлари ва Тошкент давлат консерваториясида амалга оширилади.

Луғат

табиатан-по натуре

санъатсевар-любители искусства

талабчан-требовательнўй

зиёлилик-интеллигентность

мусиқа назарияси-теория музўки

2-топширик.Қуйидаги санъаткорлар рўйхатини давом эттиринг.

1. Ўзбекистонда танилган машҳур ижрочилар, анъанавий услубдаги хонандалар: Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Ориф Алимаҳсумов, Очилхон Отахонов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Берта Давидова ва
2. Замонавий миллий йўналишда қуйловчилар: Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов, Камолиддин Раҳимов, /уломжон Ёқубов ва
3. Эстрада хонандалари: Ботир ва Фаррух Зокировлар, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Аваз Олимов, Азиза Ниёзметова, Кумуш Раззоқова ва Улуғбек Отажонов, Анвар Санаев.
4. Эстрада гуруҳлари: «Ялла», «Байрам», «Дадо», «Тож», «Хўжа», «Шаҳзод», «Сетора» ва
5. Созандалар: Турғун Алиматов, /уломжон Ҳожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов ва
6. Мусиқали драма, опера ва балет солистлари: Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Галия Измайлова, Бернора Қориева.
7. Раққосалар: Мукаррама Турғунбоева, Маъмура Эргашева, Зиёда Мадрахимова, Қизлархон Дўстмуҳамедова.....

3-топширик. Ўзбекча билган қўшиғингизни айтиб беринг.

4-топширик. Қайси ўзбек санъаткорларининг куй ва қўшиқларини севиб тинглайсиз? Рус, чет эл хонандалари ва бастакорларидан кимларни биласиз? Уларнинг ижоди ҳақида гапиринг.

5-топширик. Матнни ўқинг, саволларга жавоб беринг.

ТЕАТР

Тошкентнинг энг чиройли марказларидан бирида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри жойлашган. Мен бу театрда бир неча бор келганман. Чайковскийнинг «Оккушлар кўли», Прокофьевнинг «Ромео ва Джульетта» балетини томоша қилганман.

Мен Чайковскийнинг опера ва симфонияларини эшитишни яхши кўраман. Чунки унинг мусикалари худди сеҳрли эртақдай. Унда хотиржамлик, ҳаяжон, муҳаббат, умид ва хурсандчиликни сезасиз.

Мен театрдаги ажойиб тантанаворликни яхши кўраман. Танаффусда эса фойеда сайр қиламан.

Луғат

«Оккушлар кўли»-«Лебединое озеро»

сеҳрли эртақ-волшебная сказка

хотиржамлик-покой

ҳаяжон-волнение

надежда-умид

радость-хурсандчилик

тантанаворлик-торжественность

6-топшириқ. Тошкент шаҳрида қандай театрлар бор? Номларини айтинг. Кино ва театр актёрларидан кимларни биласиз?

«МАННОН УЙ/УР»

Маннон Уйғур ўзбек театрининг асосчиларидан бири, атоқли режиссёр, ёш санъаткорларнинг меҳрибон устози эди.

У ёшлигиданоқ халқ қ труппаларининг спектакллари бориб кўрди. Буларнинг ҳаммаси ёш қалбни театр томон етаклади. У 1916 йили «Турон» гуруҳига кирди.

1918 йили ўзбек театрини тузди ва труппага А.Ҳидоятлов, М.Қориева, Олимов сингари истеъдодли ёшларни жалб изиқчиларнинг санъатига жуда қизиқди. Туркистонга гастролга келган татар ва Озарбайжон этди. Ўзи янги репертуарлар ва янги образлар яратди.

М.Уйғур 1923-1927 йилларда Москва театр студиясида ўқиди, сахна сирларини пухта ўрганди. У дастлаб Самарқанддаги Ўзбек драма труппасида, кейин эса то умрининг охиригача Ҳамза номидаги республика театрида бош режиссёр бўлиб ишлади.

М.Уйғур сахналаштирган асарлар орасида «Гамлет», «Отелло», «Алишер Навоий» спектакллари алоҳида ўрин тутди.

7-топшириқ. Матнни ўқинг.

Саволларга жавоб беринг.

1. Маннон Уйғур ким?
2. У театр билан қачон танишди?
3. У қаерда ўқиган эди?
4. У қандай асарларни сахналаштирган?

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ

Ўзбекистон тасвирий санъатида портрет жанри муҳим ўринни эгаллайди. А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Ю.Елизаров, М.Саидов ва бошқа портретчи-рассомлар замондошларимизнинг тақдорланмас характерлари ва бой ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Ўзбекистон графикаси. Улуғ ватан урушидан кейинги даврда айниқса гуллаб яшнади. Ўзбекистон халқ рассоми И.Икромовнинг китоб графикасидаги иши ажойибдир. У ўз фаолиятида, жумладан, «Навоий лирикаси» китобини безашда ўзбек наққошлик санъатининг бой меросидан кенг фойдаланганлиги жуда яққол кўриниб турибди. Ўзбекистон ёғочга нақш солишда азалдан шуҳрат қозониб келган. Уйларнинг шипи, эшик ва дарвозалар, айвон устунларига моҳирона ўйиб ишланган чирмашувчи нақш-безаклар нафислиги билан кишини мафтун этади.

Ўзбекистон газламалари ранг-баранг ва чиройли. Бу матоларнинг ёрқин ва турлитуман бўёқлари, гуллари, жилвагар нақшлари пухта ва нафислиги, уйғунлашганлиги жиҳатидан чинакам санъат асари даражасига кўтарилган.

Кулолчилик. Ўзбекистон амалий санъатининг қадимий турларидан бири. Ўзбек кулолчилик буюмлари миллий руҳнинг бўртиб туриши, нақшларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу эса ўзбек кулолчиларининг юксак маҳоратларидан далолат беради.

8-топшириқ. Матнни ўқинг. Саволлар тузинг.

9-топшириқ. Саволларга жавоб беринг.

- 1) Яна қандай санъат турларини биласиз?
- 2) Сизга қандай санъат тури ёқади ва нима учун?
- 3) Сизга қайси санъаткорлар ёқади?

10-топшириқ. Ўзбекистон санъати музейига боринг ва таасуротларингизни айтинг.

Луғат

ички дунё-внутренний мир
наққошлик санъати-искусства резьбў
нафис-нежнўй
юксак маҳорат-вўсокое мастерство

ГАНЧКОРЛИК САНЪАТИ

Ўзбек ганчкорлик санъатининг 19-аср охири ва 20 аср бошларида яшаган машҳур намоёндалари сафида тошкентлик уста Усмон Икромов (1875-1960) ижоди алоҳида ўрин тутди.

Уста Усмоннинг ҳунари асосан Тошкент бинолари қурилишида камол топди. Уста нақш сирларини чуқур эгаллади. Моҳир уста жуда кўп уйларнинг қурилишида айниқса, меҳмонхоналарни безатишда қатнашди. Уста ишларидан бир неча намуна Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда. Уста Усмон ганчкорлик бобида ўзига хос услубдаги санъат яратди.

Уста Усмон 1941 йили Халқ амалий санъати музейи биносининг нақш безакларини таъмир этишда қатнашди. 1943 йили ҳозирги Муқимий номли театр биносининг ганч ўймакорлик безакларини бажаришга таклиф этилди.

1945 йилнинг кузида Усмон Икромов Тошкентда Навоий номидаги опера ва балет катта театрини безатишга таклиф этилди.

Усмон Икромов Тошкентдаги энг етук гулганч усталаридан эди. Уста яратган асарлардан маълум бўладики, у қадимий анъанани бузмай жуда эҳтиётлаб, ўзидан кейинги авлодга етказиб келди.

Усмон ота нақш назариясини яхши биладиган, ўз ишига талабчан уста эди. Унинг асарлари яхшилиги билан ажралиб туради.

Ўз касбига меҳр қўйиб, тинмай ижод қилган ганчкор уста Усмон Икромов ишлари, услубий анъаналари унинг фарзанди уста Махмуд Усмонов ижодида давом этмоқда.

11-топшириқ. Матнни ўқинг. Нотаниш сўзларни ўзлаштириб олинг.

Луғат

нақш-узор, орнамент
камол топмоқ-совершенствоваться
мохир-искуснўй, мастер своего дела
услуг-стиль
таъмир этмоқ-ремонтировать
ўймакорлик-гравировка
талабчан-требовательнўй

«Баҳор» ансамбли

«Баҳор» Давлат рақс ансамбли 1960 йилда ташкил этилди. Унга халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Мукаррама Турғунбоева умрининг охиригача раҳбарлик қилди. Ансамблнинг донғи Иттифоқдагина эмас, балки кўпгина хорижий мамлакатларга ҳам тарқалди.

Ансамбл репертуарида жаҳон халқларининг 100 дан ортиқ рақслари бор. Булар орасида айниқса, «Баҳор вальси», «Катта ўйин», «Тановар», «Роҳат», «Муножот», «Пахта», «Лазги», «Чўпон», «Тантана» каби миллий рақслар томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

«Баҳор» 1965 йилдан буён Судан, Ливия, Марокаш, Тунис, Жазоир, Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Малайзия, Афғонистон, Венгрия, Америка Қўшма Штатлари каби ўнлаб мамлакатларда гастролда бўлиб, чет эл томошабинларининг олқишига сазовор бўлди.

Ансамблда кўплаб ёш, истеъдодли раққосалар бор.

12-топшириқ. Матн юзасидан 4-5 та савол тузиб, ўзаро суҳбатлашинг.

Луғат

донг-слава, известность
хорижий-иностранный
олқиш-хвала
сазовор бўлмоқ-буть достойнўм

Дорбозлик

Дорбозлик - санъатнинг энг қадимий турларидан бири. Бу санъат тахминан 2500 йил илгари Шарқда пайдо бўлган. Кейинчалик у бутун дунёга тарқалган. Дор дастлаб унчалик баланд бўлмаган. Унинг устида кўрсатиладиган томошалар ҳам содда бўлган. Вақт ўтиши билан дор баландроқ қурила бошлаган. Томошалар ҳам мураккаблашиб борган. 1859 йилда машҳур француз дорбози К.Э.Блонден Ниагара шаршараси устида дор қуриб томоша кўрсатган.

Ўзбекистонда ҳам дорбозлик узоқ тарихга эга. Ўзбек дорбозлари дорнинг баландлигини 40 – 50 метрга етказишган. Бундай дорларда югуриш, сакраш кўзни боғлаб юриш каби томошалар кўрсатилган.

Ўзбекистонда катта байрамларда дорбозлик томошалари ҳам кўрсатилади. Кўпинча дор ўйинлари давомида масқарабозлар, раққослар, полвонлар, мусиқачилар ҳам иштирок этадилар.

Ҳозирги кунда дорбозлик цирк санъатининг алоҳида туридир.

13-топширик. Матндан фойдаланиб, дорбозлик санъати ҳақида гапиринг.